



- \* Қурбон ҳайити хонадонингизга мунавварлик олиб келсин
- \* Машъум 16 февралнинг ўн олти бевақт қурбонлари
- \* Қоидабузар учун 50 дарра ва ўн кунлик қамок
- \* Пулхўр хоним минглаб долларларни чайнамай ютади



Элим деб, юртим деб,  ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа  
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 27 март Шанба.  
№ 23 (144214)

**Ислом КАРИМОВ:**

## МИЛЛАТ ҚУДРАТИ – ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш, унинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш, жамият ҳаётида адолат устуворлигига эришиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилиш, доимо огоҳ ва хушёр бўлиш ўзини шу азиз Ватан фарзанди деб биладиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг Хоразм вилояти халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ана шу муҳим, айтиш мумкинки, ҳаётий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хоразм воҳаси ўзининг қадимий тарихи, ноёб маданияти, нафис санъати, юксак маърифати, доно фалсафаси ва инсонпарварлиги билан маълум ва машҳурдир, деди Президент.

Хоразм вилояти заминида камол топган алломалар, фозилу фузалолар, мутафаккиру маърифатпарварлар Ўзбекистонимиз шон-шухратини бутун дунёга таратган. Буюк аجدодларимиз ал-Беруний, ал-Хоразмий ва бошқа ўнлаб улғу инсонларнинг номлари бутун дунё халқлари учун муътабар ва муқаддасдир.

Хоразм воҳасининг тарихий-маданий мероси бевосита Хива шаҳри тарихи билан боғлиқдир. Бу гўзал шаҳримизнинг 2500 йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг нишонлангани бу ўлка шухратини яна бир бор оламга тараннум этди, десак асло муболага бўлмас.

Биз бугунги кунда ана шундай улғу аждодларимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз ифтихори бўлган ноёб қадриятларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Буюк аждодларимизнинг пок руҳи ва ўғитлари ўтиш даври оғирлигини энгишда барчамизга таянч ва мадад бўлмоқда.

Бугунги кунда юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, унинг ёруғ келажagini яратишда, олдимизда турган муҳим вазифаларни амалга оширишда Хоразм вилоятининг меҳнаткаш, бағрикенг, фидойи халқи ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари вилоят меҳнаткашларига чуқур ҳурматини изҳор этар экан, олдин ҳам кўп бор билдирган фикримни, ишончимни яна бир марта такроран айтмоқчиман: азал-азалдан мана шундай ўта мураккаб табиат шароитида ўз анъаналари ва маданиятига суянган хоразмлик миришкорлар деҳқончилик ва бунёдкорлик соҳаларида узоқ ва яқин орада ўзларига муносиб обрўларини сақлаб келмоқдалар, дея таъкидлади.

Вилоятда кейинги уч йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 14 фоиз ортди. Иқтисодий жиҳатдан бюджет кўрсаткичларини йил сайин ошириб бажариш таъминланмоқда. Пул эмиссияси ҳажми 21 фоиз пасайган.

Капитал маблағларни ўзлаштириш режага нисбатан икки марта ортди. Ишлаб чиқариш қудратини кенгайтириш соҳасида кўплаб ижтимоий, маданий объектлар, иншоотлар фойдаланишга топширилди. Лекин вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришни таъминлаш бора-бора муаммолар ҳам йўқ эмас.



ҚАЛБИНГИЗГА БАҲОР БИЛАН КИРСИН УМИДЛАР...

Сураткаш Абдувоҳид Тўраев (ЎзА)

Ислом КАРИМОВ:

# МИЛЛАТ ҚУДРАТИ — ҲАМЖИХАТЛИКДА

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Бугунги йиғилишимиздан мақсад, деди Президент, иқтисодий-иқтисодий, умуман, ҳаётимизда эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритиш эмас, асосан вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни, йўл қўйилган камчиликларни атрофлича таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда мавжуд бўлган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, шу азият юрда яшайтган халқнинг оғирини енгил қилиш масалаларини муҳокама этишдан иборатдир.

Шуни афсусланиб қайд этмоқчиманки, охириги вақтда бошқа вилоятларга ўхшаб Хоразм воҳасида ҳам баъзи раҳбарларнинг фаолиятида ўз шахсий манфаатини хизмат бурчидан устун қўйиш, кадрларни танлашда қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйилмоқда, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга масъулиятсизларча ёндошиш, ўзибўларчилик каби ҳолатлар содир бўлмоқда.

Бу эса ўз навбатида халқ хўжалигининг барча соҳаларига, sanoat, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бир неча йил илгари вилоятда салмоқли корхоналардан ҳисобланган «Хоразм ипаги», «Қурилиш материаллари» каби акционерлик жамиятларида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларининг 10-20 фоизидан фойдаланилмоқда, холос. Баъзи корхоналар эса умуман тўхтаб қолган. Вилоятдаги 25 та корхонада 1997 йилга нисбатан 500 миллион сўмликка яқин sanoat маҳсулотлари кам ишлаб чиқарилган.

Ташкилот ва корхоналарнинг дебиторлик қарзлари 1999 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 9,5 миллиард сўм бўлиб, ўтган йилга нисбатан 3 маротаба ошган.

Кредиторлик қарзлари эса 10,8 миллиард сўмни ташкил қилиб, шундан 2,0 миллиард сўми муддати ўтган қарзлардир. 1999 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра омиборларда туриб қолган маҳсулот қиймати 4,0 миллиард сўмни ташкил қилган. Шу даврда солиқлар бўйича тўланмаган маблағ бир миллиард сўмдан ошиб кетган.

Юзага келган бундай аҳвол бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақининг кечиктириб берилишига ва одамларнинг норозилигига олиб келмоқда. Ана шундай вазиятда ҳам бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатиш ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий база яратилган бўлишига қарамадан, вилоятда бу борадаги ислохотлар жуда суст бормоқда. Мулкдорлар синфини шакллантириш, пай асосида янги ширкатларни ташкил этишга старли эътибор йўқ.

Деҳқонни ҳақиқий мулк эгасига айлантириш, ҳар бир жамоа аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб, хўжалик ерларини уларга ижарага бериш, деҳқон ва фермерларнинг билимини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ишлари ҳам қониқарсиз ташкил қилинган.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳокимларда ва бошқа мутасадди раҳбарларда тadbirkorлик, изланувчанлик этишмаслиги, иш тўғри ташкил этилмагани сабабли ўтган йили вилоятда пахта этиштириш режаси барбод бўлди. Айниқса, бу соҳада йўл қўйилган кўзбўямачилик, сохтакорлик, қўшиб ёзиш каби эски иллатларга асло тоқат қилиб бўлмайди.

Кейинги пайтларда вилоятда ана шундай кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, қандай йўл билан бўлмасин режани бажариш, шон-шухрат қозониш, эришилган ютуқларни кўз-кўз қилишдек салбий ҳолатлар пайдо бўлмоқда. Пала-партиш иш юритиш, ортиқча харажатлар қилиш натижасида хўжаликларда этиштирилган маҳсулотларнинг таниларни ошиб кетмоқда.

1998 йилни мавжуд 128 хўжаликнинг 70 фоизи 2,0 миллиард сўм зарар билан яқунлагани ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Вилоят молия ва баъқ тизими фаолияти таҳлил қилинганда, бу соҳада ҳам тартиб-

сизлик, қонунбузарлик ҳолатлари авж олиб бораётгани яққол кўзга ташланади. Ўтган йил мобайнида Молия вазирлигининг вилоят Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан 350 та бюджет ташкилотларида текшириш ўтказилди. Бу ташкилотларнинг ярмидан кўпиди 16 миллион сўм маблағ гайриқонуний равишда сарф қилингани аниқланиб, 84 нафар моддий жавобгар шахс устидан тафтиш ҳужжатлари тузилди ва маъмурий органларга топширилди.

Бюджет маблағларини сарфлашда соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш каби устивор йўналишларни биринчи навбатда таъминлаш ўрнига маблағлар бошқа соҳаларга ишлатиб юборилган.

Вилоят ҳокимининг фармойиши билан вилоят ички ишлар бошқармасига, вилоят ҳокимлиги котибият мудирига ва бошқа бир қатор ташкилотларга бюджет ҳисобидан 21 миллион сўмлик 15 дона енгил автомашина олиб берилган. Янгибозор туманида эса ҳокимлик биноси таъмири учун кўзда тутилганидан 5 марта кўп маблағ сарфланган.

Хонқа тумани ҳокимлиги ихтиёрида 7 та турли русумдаги автомашина бўлишига қарамадан, туман ҳокими /К.Ортиқов/ салкам тўрт миллион сўм бюджет маблағи ҳисобига чет элда ишлаб чиқарилган «жип» русумли хизмат автомашинаси сотиб олган. Бу қанақа бойваччалик?

Вилоятда нодавлат мулк шаклига мансуб ташкилотларни, кичик ва ўрта бизнес соҳаларини ривожлантиришга эътиборсизлик билан ёндашиш оқибатида охириги икки йил давомида мингдан ортиқ ана шундай корхоналарнинг фаолияти тўхтаб қолган. Қолганларининг ҳам ҳозирги пайтда фақат 58 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятдаги давлат мулкига эга бўлган 175 та ҳиссадорлик жамиятларининг 45 таси бирор сўмлик ҳам акция сотмаган. Айрим туманларда «кимошди» савдолари ташкил этиш қониқарсиз аҳволда. Хонқа, Ҳазорасп, Урганч, Шовот, Янгиариқ туманларида ўтган йили бирор марта ҳам «кимошди» савдолари ўтказилмаган.

Соғлиқни сақлаш, маориф соҳаларидаги вазият ҳам ачинарли аҳволда. Мактабларнинг 96 таси мослаштирилган биноларда жойлашган, 13 та мактаб биноси авария ҳолатида. Мактабларда турли фанлар бўйича 600 дан ортиқ ўқитувчи етишмайди. 200 та мактаб тоза ичимлик суви билан таъминланмаган, 112 тасида спорт заллари, 310 тасида эса компьютер синфлари йўқ.

Бундай аҳволда Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур вилоятда қандай қилиб амалга оширилади?

Мен бир ҳақиқатни ҳар доим таъкидлайман: бизнинг келажакимиз, энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз - бу ўсиб келаётган ёш авлоддир. Мен ўз тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам келажакимиз ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустақкам иродаси ва дунёқарашиди кўраман, деб қайта-қайта айтганман.

Наҳотки вилоят раҳбарлари ана шу сўзлар маъносини англамасалар, деди Ислом Каримов. Қани уларда ёшлар тарбиясига эътибор? Эртанги кунни, келажакни кимларнинг қўлига топширасизлар? Қани, айтинларчи, нимани уйлаясизлар ўзи?

Вилоятнинг Урганч, Янгибозор, Қўшқўпир туманларидаги баъзи қишлоқ врачлик амбулаторияларида бирорта ҳам малакали врач ишламайди. Тиббий муассасаларни зарур дори-дармонлар билан таъминлаш ҳам ёмон аҳволда. Болалар орасидаги тиббий-профилактика ишларининг аҳволи қониқарсиз ҳолатда.

Аҳолининг 35 фоизи, жумладан, қишлоқ аҳолисининг 40 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланмагани бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг қониқарсиз ташкил этилганидан далолат беради. Ҳар бир туман, ташкилот, хўжалик раҳбарлари ҳанузгача бу соҳаларда қуруқ ваъдалардан нарига ўтмаптилар.

Аҳолини иш билан таъминлаш, қўшимча ишчи ўринлари очиш масалалари ҳам эътибордан четда қолмоқда. Вилоят аҳолиси

йилига 24 минг кишига кўпайиб бораётганини эътиборга олсак, яқин кунларда ишсизлик вилоятда энг катта масалалардан бирига айланиши мумкин.

Аҳолининг барча қатламларида мафкуравий, маданий-маърифий, тарбиявий ишларни изчил равишда олиб бориш - бу замон талабидир.

Мен яна бир бор такрорлайман: мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари, чунки мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат йўлини йўқотиши муқаррар. Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам табиий.

Энг даҳшатли нарса - бу фикр қарамлиги, тафаккур қуллигидир. Агар оддий қилиб айтадиган бўлсак, халқимизнинг «Ёғочнинг бўшини қурт ейди», деган бир мақолини эслайдик. Худди шу каби маънавияти қашшоқ, эзининг мустақил дунёқарашига, фикрига эга бўлмаган одамга ҳар қандай маккор ўз таъсирини ўтказа олади. Биз, ота-оналар, жамоатчилик бўлмаган жойларда бегона, хасад ва ёвуз кўз билан қаровчи кучлар пайдо бўлиши муқаррар.

Бу сўзларнинг исботи ўтган йили Наманганда бўлиб ўтган, шу йилнинг 16 февралда Тошкентда содир бўлган мудҳиш воқеаларда яққол кўринади.

Ёшлар - бамисоли нав-ниҳол, агар уларни тўғри ўстириб, парваришлаб вояга етказмасак, иймонсиз, ватанфуруш, ғаламис кимсалар уларни йўлдан оздиради. Бу кимсаларнинг кимлигини, уларнинг ғаразли мақсадларини ёшларга, бутун халқимизга тушунтириш раҳбарларнинг, фаолларнинг, кенг жамоатчиликнинг, қолаверса, ўзини мустақил Ўзбекистон фуқароси деб ҳисоблайдиган ҳар бир кишининг вазифаси, бурчи эмасми?

Очигини айтиш керакки, вилоятда бу соҳада олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Аксарият маданият уйлари, кутубхоналар ишламайди. Улар давлатимиз ижтимоий-иқтисодий, ички ва ташқи сиёсатига оид китоблар, рисоалар, матбуот нашрлари билан таъминланмаган.

Вилоят газеталарида кундалик ҳаётимизда учрайдиган камчиликларни фож этишга, уқувсиз, лоқайд раҳбарларни танқид қилишга доир ва ёшлар тарбиясига бағишланган материаллар деярли учрамайди.

Вилоят телевидениесига ҳам одамларни қизиқтирадиган, улар диққатини жалб этадиган танқидий ва муаммоли кўрсатувлар йўқ. Вилоят телевидениеси бунинг ўрнига кўпроқ чет эл кинофильмларини ёки ҳоким жанобларининг 55 ёшга кирганини «тараннум» этувчи кўрсатувларни намойиш қилиш билан овора.

Наҳотки бутун дунё тан олган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Замаҳшарий каби буюк алломаларимиз яшаб ўтган Хоразм заминиди аҳвол шундай бўлса?!

Энг ачинарлиси, мафкура соҳасида йўл қўйилган камчиликлар, муаммоларга юзак қараш, ёшлар тарбияси ва уларнинг тақдирига бепарқ муносабатда бўлиш, ёшлар орасида экстремистик диний оқимларга берилиш, гиёҳвандлик, турли жиноятлар содир этилишига олиб келмоқда.

Вилоятда турли диний экстремизм оқимига мансуб шахслар пайдо бўлиб, улар томонидан жиноятлар содир этилмоқда. Бундай сохта, хилма-хил ниқоб остида пайдо бўлаётган оқимлар бизнинг аҳолимиз, асосан ҳали иймон-эътиқоди мустақкам бўлмаган ёшларимиз - фарзандларимиз, оилаларимиз бошига катта бало бўлиб тушмоқда.

Шу муносабат билан яқин тарихимизни эслаб, таҳлил қиладиган бўлсак, ажиб бир ҳолатга дуч келамиз. Барчамизга маълум: ҳар қандай жамиятда, ҳар қайси мамлакатда текинхўр, ишқемас, таъмагир, босқинчи, товламачи кимсалар учраб туради. Афсуски, бу нохуш ҳолат мавжудлигини дунёда ҳеч ким, ҳеч бир халқ ёки жамият инкор этолмайди.

Биров ҳалол меҳнати, пешона тери билан рўзғор тебратаяди, бола-чақа боқаяди. Чунки бундай одамларнинг қалбида иймони, диёнати, ор-номуси, охирадан кўрқкиш

туйғуси бор, иродаси мустақкам. Аммо нопок йўллар билан, кимнингдир ризқини қийиб, одамларни қақшатиб бойлик орттиришни ўзига касб қилиб олган қабиҳ ниятли кимсалар ҳам борки, улар учун бундай муқаддас тушунчалар мутлақо бегона.

Ёдингизда бўлса, 80-йилларнинг охирида ва 90-йилларнинг бошида беқарорлик, бошбошдоқлик авж олган бир даврда ҳар хил муттаҳамлар сиёсат майдонига чиқиб қолди. Сув лойқаланганда кўпик юзага чиққанидек, саёз фикрли, кибр-ҳаво кайфиятига берилган, енгил-елпи йўл билан сохта обрў орттиришни кўзлаган шуҳратпараст одамларнинг аслида ким бўлганини бугун халқимиз яхши билади. Бу ҳаракатлар бебош тўлқин каби дарёнинг чағир қирғоқларига урилиб, беиз ўтиб кетди. Чунки унинг мақсади фақат бузиш, емириш, бақир-чақир, шовқин-сурон солишдан иборат бўлгани учун меҳнатқаш, андишали, бағрикенг халқимизни йўлдан оздира олмайди.

Фалакнинг гардишини қарангки, ўз мақсадига етолмаган, йиқилса ҳам курашга тўймайдиган, кеча демократ теллагини кийиб юрган бу кимсалар бугун экстремистик ваҳждийлик оқими билан бирлашмоқда.

Шундан кейин бу мунофиқ шахсларнинг на демократлигига, на диндорлигига ишониб бўладими?! Ҳамма гап шундаки, шакл бошқача-ю, мақсад ўша-ўша, яъни нима қилиб бўлса ҳам амалга, мансабга эришиш! Ва ўз нопок мақсадларига эришиш учун барча ёвуз ниятлардан ҳам қайтмаслик.

Агар биз озгина бўлса-да бепарволикка йўл қўйсак, бундай ёвуз интилишларнинг вақтида пайини қирқмасак, бу бало-қазо халқимиз бошига кўп-кўп кулфатлар келтириши мумкин, деди Президент. Февраль воқеалари бу фикрни тасдиқлаб турибди. Нима, «тоза ислом», «ислом софлиги учун» деган сохта шиорларни ниқоб қилиб олган бу кимсалар дини ислом макони бўлган юртимизда, дунёга Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк уламоларни берган халқимизга мусулмончиликни ўргатмоқчимиз?! Бундай даъволарни эшитганда, беихтиёр «Астафурulloҳ!» дегинг келади.

Аслида арслар давомида дини исломни ким-кимга ўргатиб келган? Мана шу муқаддас Хоразм заминидан етишиб чиққан улуг аждодимиз Маҳмуд аз-Замаҳшарий дин равнақи йўлидаги беқиёс хизматлари учун «Жоруллоҳ» - яъни «Оллоҳнинг қўшнисини» деган юксак мақомга сазовор бўлган. У яратган «Ал-Муфассал» китоби араб тилининг грамматикасига асос этиб олинган ва араб дунёсига унга ҳозиргача амал қилинади. Шу боис араб мутафаккирларидан бири: «Оламдаги барча қишлоқлар жамлашиб, Хоразмнинг биргина Замаҳшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта дунёга келиши мумкин бўлган буюк аз-Замаҳшарийдек машҳур алломанинг ватанидир» деганида тўла ҳақиқидир. Шундай буюк зотнинг авлодларига муқаддас эътиқодимизга ёт бўлган турли зарарли, захарли таъсирларга берилиш ярашадими?

Энг ачинарли томони шундаки, ўз ораминдан чиққан бу кимсаларнинг орқасида катта маблағга эга бўлган, бизнинг юртимизни ўз таъсирига тобе этмоқчи бўлган сиёсий кучлар турибди. Кечатгина ўзини ҳақиқий, тоза демократ, деб атаган, динга ҳам, ҳудода ҳам ишонмаган, ҳаром-ҳариш йўлда юрган, манфаатпарастлик ва мансабпарастлик касалига мубтало бўлган кимсалар ўша ёвуз кучларнинг қўлида кўфирчоқ бўлиб, ўз Ватанига хиёнат қилмоқда. Бугун улар ўзаро бирлашиб, диний ақидапарастлик, «тоза ислом» ниқобига, либосига ўралиб, эътиқоди мустақкам бўлмаган баъзи ёшларни йўлдан оздирмоқдалар. Ҳар қанча афсус билан айтмайлик, бу аччиқ ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди.

Бундай «дохий»ларнинг таъсири гирдобига тушаётган кимсалар ҳар қандай жиноят, ёвузликдан ўзини тиймайди.

(Давоми 3-бетда)

Ислом КАРИМОВ:

# МИЛЛАТ ҚУДРАТИ — ҲАМЖИҲАТЛИКДА

(Давоми. Аввали 1-, 2-бетларда)

Биргина мисол келтирайлик. Ўзини ваҳобий деб юрган Урганч шаҳридаги 3-мактаб ўқитувчиси /бундай кимсаларни ўқитувчи дейишга ҳам тил бормайди!/ С.Аллаёров уюшган жиноий гуруҳ сафида 1998 йил 4 декабрь куни Тошкент вилоятининг Паркент туманида фуқаро А.Мамадхўжаевнинг уйига қилинган босқинчиликда иштирок этиб, қотиллик содир этган. 18 декабрь куни эса Ҳазорасп темир йўл бекатида милиция ходимларига ўқ узиб, улардан бирининг ўлимига сабаб бўлган. Мана сизга бу шахсларнинг ҳақиқий башараси.

Мана шундай йўл билан қанчадан-қанча ёшларнинг ҳаётини хазон қилган, уларни йўлдан урган, оғир жиноятларга етаклаган қўпуровчилар ва уларнинг чет элларда ватангадо бўлиб юрган «доҳийлари» халқимиз, миллатимиз олдида ўз кирдикорлари учун жавоб бериши керакми, йўқми?! Албатта, улар ўз жиноий қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришлари муқаррар.

Халқимизнинг жамоатчилигимизнинг 16 феврал воқеаларига муносабати хусусида тўхталар экан, Президентимиз Ислом Каримов шундай деди: Кун кеча «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган бир мақолага кўзим тушди. Мақола муаллифи, Боёв туманидаги қишлоқ мактабининг тил ва адабиёт ўқитувчиси Муҳаббат Ҳасанова шундай деб ёзади:

«16 феврал воқеаларини таҳлил қиларканман, ҳаммаша ҳаёлимга бир гап келади. Хунрезлик ижрочилари шунчаки нотавон ва разил югурдаклардир. Уларнинг ортида ватанида қадр топмаган ва қадр топиши гумон бўлган ватанфурушлар турибди. Бу ватанфурушларнинг ҳам ҳомийлари бор. Бу ҳомийлар итга суяк ташлагандай ватангадор олдида суяк ташлаб, ўз ноғораларига ўйнатиш пайида бўлган кимсалардир».

Мана сизларга оддий бир ўзбек аёлининг жуда лўнда ва тўғри фикри. Миллион-миллион юртдошларимизнинг дилидаги гапларни ифода этувчи фикр.

Муаллима ватанфурушларга қарата: «Менинг ҳар бир ҳамқишлоғим эрта тонгда Оллоҳдан юртга тинчлик, фаровонлик тилар экан, сизларнинг маълум ва номаълум қиёфаларингизни кўз олдиларига келтиришиб, номингизга лаънатлар ёғдираётганини айтиб қўйишни ўз бурчим деб биламан», деб ёзади.

Келинлар, биродарлар, барчамиз ана шу муаллима аёлга қўшилиб, ўша машъум воқеаларнинг қайтарилмас тарих бўлиб қолишини Оллоҳдан сўрайлик.

Энди икки оғиз сўз вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти ҳақида. Шунга таъкидлаб ўтиш керакки, уларнинг ишлари бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Вилоятда уюшган жиноятчилик, ўта оғир ва қасдан содир этилган жиноятлар сони ошиб бормоқда.

Айниқса, қонунни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг жиноятга қўл уриши - бу мутлақо кечириб бўлмайдиган ҳол. Афсуски, вилоятда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг бундай қилмишларига ҳанузгача чек қўйилмапти.

Ўтган йилда вилоят ички ишлар бошқармасининг 8 нафар, солиқ бошқармасининг 3 нафар ва божхона бошқармасининг 5 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилган. Бу кимсаларнинг аксарияти мансабини сунистеъмол қилиш ва таъмагирлик билан боғлиқ жиноятлар содир этган. Жумладан, Питнак шаҳар ички ишлар бошқармаси ходими милиция капитани Т.Мадримов 300 минг сўмга гиёҳванд модда сотаётган пайтида қўлга олинган. Унинг уйдан 26 килограмм афюн топилган. Гурлан тумани давлат солиқ инспекциясининг инспектори Б.Умаров «Комплексе-Гурлан» масъулияти чекланган жамият таъсисчиси К.Собировдан 150 минг сўм пора тариқасида олган, божхона инспектори Б.Абдуллаев ва Р.Бобононовлар 1998 йилнинг 21 октябрь куни «Тошкент-Волгоград» поездида йўловчилардан юкларни божхона кўригидан ўтказмаслик эвазига 6 минг

сўм пора олаётган пайтида ушланиб, ҳибсга олинган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Юртимизда, жумладан, Хоразм воҳасида яшаётган одамларнинг тақдирини ҳал қилишда, уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишида раҳбарларнинг ўрни ва таъсири беқийёс, деяр таъкидлади Президент. Бизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётимизда раҳбарнинг масъулияти, нафақат масъулияти, балки раҳбарнинг фидойилиги, нафақат фидойилиги, балки раҳбарнинг инсоний фазилатлари алоҳида аҳамиятга эга. Лекин барча раҳбарлар ҳам шу масъулиятни, халқ билдирган шу ишонччи старли даражада ҳис эътипти, деб бўладими?

Хоразм аҳлининг ажойиб шеvasи, бетакрор санъати, ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларидан иборат бўлган, бир сўз билан айтганда, ўзига гоёт ярашадиган хоразмча бир муҳити бор. Бошқалар бунга катта ҳавас билан қарайди.

Мана, олайлик, сизларнинг «ёшулли» деган бир сўзингиз бор. Содда қилиб ифодаласак, бу «ёши улуг» дегани. Лекин унинг замирида теран бир маъно мужассамлигини, менимча, ҳамма ҳам тўлиқ тушунмайди. Бу сўз ёшидан қатъи назар, эл-юрт ҳурмати қозонган, ҳалол, иймон-инсофли кишиларга нисбатан айтилади.

«Ёшулли» деган эҳтиромга сазовар бўлган одам шу номга муносиб бўлишга интилади, ўзида катта масъулият сезиб яшайди. Халқ бу сўзни кўпроқ раҳбарларга нисбат бериб ишлатади. Шундай экан, чинакам ёшулли бўлмоқни орзу қиладиган ҳар бир раҳбар адолат, қатъият, фидойилик, билимдонлик, ташкилотчилик мезонларига амал қилиб яшаши ва ишлаши зарур.

Бизнинг халқимизга хос бўлган улуг бир хусусият борки, ўзбек миллатига мансуб одам ўз ҳаётини ватандан айри ҳолда асло тасаввур этолмайди, деди Йўлбошчимиз. Ўзбек тақдир тақозоси билан бошқа мамлакатларда, айтилик, Саудия Арабистони, Афғонистон, Туркия ёки Америкада истиқомат қилса ҳам, қалбида Ватан соғинчи, Ватан ҳасрати абадий яшайди.

Чет элдаги ватандошларимиз билан учрашганда мен уларнинг кўзида, сўзида бу ҳолатни кўп бор сезганман. Шунинг учун ҳам агар биров менга, туғилган юртидан чиқиб кетиб, ёт элларда ўзини чинакам бахтли деб ҳисоблайдиган бирорта хоразмлик бор деса, мен бу гапга асло ишонмайман. Хоразм халқ кўшиқларининг бирида: «Ёт элларнинг боғи билан боғчаси, Хоразмнинг янгоғича кўринмас», деган сўзларнинг борлиги ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Мен Хоразмни аҳил бир оила деб биламан. Хонадоннинг ҳар бир аъзоси оиланинг доимий диққат-эътиборида бўлганидек, Хоразмда яшайдиган ҳеч бир одам ўз юриштиришини, хатти-ҳаракатини эл кўзидан яширолмайди. Ҳаммаси ойнадагидек яққол кўриниб туради.

Чунки Хоразм аҳлига хос бетакрор гуруҳ туйғуси бор. Хоразмликлар ўз заминига шундай қизгин меҳр қўйганки, кимда-ким ноҳўя ишлари билан бу эл шаънига доғ туширмоқчи бўлса, бу ерда яшайдиган ҳар бир инсон юрт эгаси, юрт оғаси сифатида ўзида катта масъулият сезади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, раҳбарларнинг фаолияти, уларнинг хусусиятлари ҳаммаша эл назарида бўлади. Хурматли ҳокимлар, раҳбарлар, шунга унутмангки, сизларни ренгтен каби текширадиган, ишларингизга ҳаққоний ва одил баҳо берадиган мезон - шу юртда яшайдиган одамларнинг кўзи, фикри, улар чиқарадиган хулосадир.

Бу юрт аҳлида андиша кучли, улар мулоим гапиради, бетгачопарлик қилмайди, лекин ҳар бир одамнинг раҳбар ҳақида ўз фикри, ўз баҳо ва хулосаси албатта бўлади.

Шунинг учун мен минг бор афсусланиб, куюниб, барака топкур раҳбарлар, сизлар учун айтмоқчиман: модомики, шундай экан, ўзингизга қараб юрсангиз бўлмайдими? Нафс балосидан, унинг гирдобига тушиб қолишдан ўзингизни тиймайсизларми?

Ахир, бу ўткинчи дунёда фақат яхши ном қолдириш, ҳалол меҳнат туфайли қозонган обрў-эътибор билан фарзандлар хотирасида қолиш - ҳар бир инсон учун шараф эмасми?

Афсуски, бугунги мажлисда мен мана шу аччиқ, оғир гапларни сизларга яна такроран айтишга мажбурман, деди Ислом Каримов. Кўпчиликка бошчилик қилиш, етакчи бўлиш - бу гоёт масъулиятли, оғир иш. Амалга ошириладиган ишлар, ислохотлар жараёни, маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғломлиги албатта, авваламбор биринчи раҳбарга, унинг ақл-идроки, виждони, билим ва маҳоратига боғлиқ.

Бугун шунга катта таассуф билан айтишим керакки, вилоят ҳокими Искандар Юсупов кўпгина ижобий ишлар қилгани билан бир қаторда, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласида ўзини йўқотиб қўйгани, атрофидаги яқинлари, ошна-оғайнилари, таниш-билишлари таъсирига тушгани, айниқса, кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Лекин бугун гап фақат Искандар Юсупов ҳақида бораётгани йўқ. Буни яхши билиб қўйинлар. Гап вилоятдаги ижтимоий вазият, маънавий-ахлоқий муҳит ҳақида кетяпти. Вилоятдаги ҳокимларнинг, катта-кичик раҳбарларнинг обрўси ҳақида кетяпти. Ва шу раҳбарларга одамларнинг муносабати, ишончи, кишиларнинг шу камчиликлар туфайли вужудга келган кайфияти ҳақида кетяпти.

Адолат бузилди, раҳбар ўзининг устидан назоратни йўқотди, атрофини қариндош-уруғи, таниш-билишлари ўраб олди, оёғи ердан узилди, иймон-иродаси сусайди - билингки, вилоятда ёки туманда муҳит бузилади. Одамларнинг бир-бирга ишончи йўқолади, миш-мишлар, шу билан бирга, ҳар хил уйдирмалар ҳам кучайиб кетади.

Энг ёмони шундаки, иш ўрнига гуруҳбозлик, шикоятбозлик, ўзаро зиддият ва низолардан иборат носоғлом вазият вужудга келади, меҳнат самараси йўқолади. Бундай кайфият бир тумандан бутун вилоятга тарқалади, ишимизга, ҳаётимизга, ривожланишимизга халақит берадиган тўсиққа айланиб қолади.

Бугун биз бундай нохуш оқибатларга сабаб бўлиши мумкин бўлган бу ҳолатнинг олдини олиш, вилоятдаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида тегишли чора ва ташкилий масалаларни кўриб, зарур қарорларни қабул қилишимиз керак.

Хоразм тарихи инсоният ҳаётининг энг қадим даврлари маданиятини, маърифатини ўзида мужассам этган, деди давлатимиз раҳбари пировардида. Бу муқаддас замин тарихини биз 2700 йилдан зиёд деб биламиз. Энг мўтабар қадимги қўлёзмамиз «Авесто» мана шу ўлкада яратилгани ҳам буни яна бир бор тасдиқлайди.

Бу йил биз Хоразм заминининг машҳур сиймолари - мардик ва ватанпарварлик тимсоли Жалолиддин Мангубердиннинг 800 йиллик юбилейи, адабиётимизнинг ёрқин намоёндаларидан бири, буюк шоир ва таржимон, тарихчи аллома Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг 190 йиллик таваллуд тўйларини нафақат Хоразмда, балки бутун мамлакатимизда кенг нишонлаймиз, иншоолло.

Ишончим комилки, ана шундай бой тарихнинг, маданиятнинг, деҳқончилик илмининг муносиб ворислари бўлган сиз, азиз хоразмликлар, бугунги йилдан тўғри хулосалар чиқариб оласизлар. Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кескин ўзгаришларга замин яратиб, Хоразм вилоятининг обрў-эътиборини кўтаришга, унинг мамлакатимизда олиб бориладиган ислохотлар ва янгиланиш жараёнида муносиб ўрин олишига ўз ҳиссангизни қўшасизлар.

## ХАЛҚНИНГ ДУОСИНИ ОЛИШ ОСОН ЭМАС!

**Бунинг учун умрингни эл-юртга бағишлаш, одамларнинг оғирини енгил қилиш, ўзингга билдирилган ишонччи оқлаш керак бўлади.**

Қурбон ҳайити - бу аҳиллик байрамидир, деди мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 26 март куни Хоразм вилояти халқ депутатлари кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида.

Президентнинг таъкидлашича, барчамиз ана шундай байрамларда, айниқса аҳил бўлмоғимиз зарур. Шундай қилайликки, юртимизнинг ҳар бир хонадонида ҳар кун хурсандчиликлар бўлсин, дейди Юртбошимиз.

Бунинг учун эса аввало, «халқимизнинг дардига дармон бўлайлик», деган ибратли сўзлар фаолиятимиз, интилишларимиз мазмун-моҳиятини очиб берадиган энг муҳим шиор сифатида бугунги кун раҳбарларининг, ҳокимларнинг назари доим тушиб турадиган жойлардан ўрин эгаллаши лозим.

Одамларнинг чеҳраси очик, кайфияти яхши бўлиши, бахтиёр ва армонсиз умр кечиришлари учун тегишли шарт-шароитларни яратиб бериш раҳбарлик лавозимларида ишлаётган кишиларнинг асосий бурчига айланмоғи даркор.

Бу вазифалар, Юртбошимиз ибораси билан айтганда, бутун хатти-ҳаракатлари «рентген» нуридан ўтаётгандек, халқнинг доимий синов назарида турган раҳбарларга табиийки, катта масъулият юқайди.

Афсуски, илгари Қашқадарё, Самарқанд ва Навоий вилоятларида раҳбар ходимларнинг фаолиятини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, талабларига аниқланган қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик каби иллатларга раҳбарларнинг муккасидан кетиш ҳоллари, ўз ишига ўзибўларчилик кайфияти билан ёндошиб, боқибегамлик ва шу сингари бошқа бир қанча камчиликлар Хоразм вилоятида ҳам мавжуд эканлиги кўзга ташланади.

Раҳбарнинг тўсатдан ўзгариб қолишига, бошқача айтганда «оёғи ердан узилиши»га, аввало, унинг ўзи, шахс сифатида иродасизлиги, қолаверса, тевакар-атрофидаги одамлар, ошна-оғайнилари, қариндош-уруғлари ҳам сабабчи, дейди мамлакатимиз раҳбари.

Ислом Каримовнинг уқтиришича, раҳбар ходимнинг тепасида унинг фаолиятини назорат қилиб турувчи шахсларни, назоратчи ташкилот ва комиссияларни кўпайтириш йўли билан бу муаммони ижобий ҳал қилиш мумкин эмас.

Вилоят сессиясида Президент бундай нуқсонларга барҳам бериш йўллари яна бир карра санаб ўтди. Улар қуйидагилар: **Биринчидан**, ёшлар тезроқ раҳбарлик ўринларини эгаллашларига эришиш керак.

**Иккинчидан**, айрим раҳбар ходимлар ўз онгида қотиб қолган «шўрча тарбия» асоратларини енгитишга ўрганиши ва бунинг учун биринчи навбатда ўз-ўзига танқидий қарай билиши зарур.

**Учинчидан**, мулк масаласи охиригача ҳал этилиши лозим. Негаки мулк хусусийлашса, яъни ўз эгасини топса бундай мулкни ўғирлаш, талон-тарож қилиш ёки «ёб кетиш» имкониятлари ўз-ўзидан йўққа чиқади.

**Тўртинчидан**, жамият ичида ошқораликни, жамоатчилик назоратини кучайтириш керак. Хусусан, маҳаллада, нодалат ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда вазифаларини кенгайтириш керак. Албатта бу борада матбуот, оммавий ахборот воситалари ҳам ўз имконияти, мавжуд салоҳиятини тўла намоён этиши учун аллақачон фурсат етди, деб қайд этди Юртбошимиз.

Сессия ишида Ислом Каримов И.Юсуповни Хоразм вилояти ҳокими вазифасидан озод этиш ҳамда мазкур лавозимга қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири бўлиб ишлаб келаётган Ислом Бобононовни тасдиқлаш юзасидан таклифлар киритди.

Депутатлар ҳар иккала таклифни қўллаб-қувватладилар. Шунингдек, мамлакат миқёсида тинчлик ва барқарорликни сақлаш мавзусида тўхталар экан, «Бу муқаддас Ватан барчамизники, уни ҳимоя қилиш барчамизнинг бурчимиздир», дея қайд этди мамлакатимиз раҳбари.

Фулум МИРЗО,  
«Туркистон-пресс» махсус муҳбири

Ўтганларнинг  
окирати оёда бўлсин!

# АРМОҢ

*Тўғриси, бу йўсиндаги мақолаларни энди ёзишим. Истагим бу биринчиси ва энг сўнгисини бўлсин. Чунки отасидан, онасидан, фарзандидан, умр йўлдошидан айрилган кишиларнинг фарёди, изтиробларини тинглашдан, уларнинг дил ярасини янгилашдан ҳам оғирроғи бўлмас экан.*

Ўша машъум февраль воқеалари оқибатида ҳалок бўлганлар орасида Республика Ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банкнинг бўлим бошлиғи 24 ёшли Жамшид Хабилов ҳам бор эди...

Аслида фарзанднинг

билимлари билан сира қониқмасди. Доимо янги адабиётлар, нашрлар ахтариш билан банд эди. Ўқишни тамомлагач, Республика Ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банкига ишга таклиф этилди.

Ишхонада тенгдошлари орасида иқтидори, янги тафак-

галикда жаҳоннинг тараққий этган давлатида ўз билимини мустаҳкамлаш ниятини кўнгилларига тугиб қўйишганди.

-- Ўғлим оилада тўнғич фарзанд эди, -деди Жамшиднинг отаси Ҳақим ака, -- укаси, синглисига жуда бошқача меҳрибон. Айниқса қизи Ҳузал

## БАҲОР-КУ ЯНА ҚАЙТАР...

дунёга келиши ота-она учун чинакам тантананага айланиб кетади. Бундан 24 йил олдин Ҳақим ака билан Гулчехра опанинг қувончи ҳаммакидан ортиқ бўлди. Ўғилга яхши ниятлар билан Жамшид дея исм қўйишди. Беш ёшдан оқ бола ўзининг ғайритабиий иқтидори, китобга астойдил меҳр қўйганлиги билан кўпчиликнинг эътиборига тушди. Мактабда ҳам билимга чанқоқ, тиришқоқ, тиниб-тинчимас Жамшид дарҳол муаллимларнинг меҳрини қозонган. Орзулар улғайиб, мактабни аёло баҳолар билан тамомлагач, Тошкент Молия институтига ҳужжат топширди. Талаба бўлди. Навқирон йигит юртнинг иқтисодий тараққиёти, бу борада жаҳон иқтисодиётида қандай тажрибалар мавжудлигини кўп ўйларди. Ўйларди-ю, ўзининг



кури, дунёқараши билан ажралиб турган Жамшид бўлим бошлиғи этиб тайинланганди. Унинг ўз олдига қўйган мақсадлари, орзулари бисёр эди. Турмуш ўртоғи Маликахон Жаҳон тиллари университети-ни тамомлагач, икковлон бир-

дунёга келгач, ўғлимнинг қувончли ташвишлари кўпайди. Жамшид соҳасини мукамал биларди-ю, лекин бу билан чекланиб қолишни истамасди. Инглиз тилини яхши ўрган-ди...

Жамшид -- Ватанни ардоқлашни, ота-онани қадрлашни, юртга сидқидилдан хизмат қилишни истарди, бироқ юрт юзига оёқ босадиган, элига хиёнат қила оладиган айрим нонкўр тенгдошлари борлигини билмас эди.

Ўша куни қалби тонгданда нурли ва беғубор йигитнинг орзулари умрбодга ушалмас бўлиб қолди.. Дилидаги ёрқин умидлар пучга чикди. **Жаҳон Ҳузал ҳадемай тўрт ойлик бўлади. Яратган йигирма беш баҳорни қаршилай олмаган ота орзуларига кичкинтой Ҳузалбегим етишини насиб этсин, илоҳим!**

34 ёшли Азимжон Абдуллаев онаси Тазкира аяга ёлғиз ўғил, уч опасига ягона ука, синглисига яқкагина ака эди. Ҳайдовчи бўлгани боис ишдан бироз кечроқ қайтар, лекин фарзандлари Козимжон ва Нозималарга албатта бирон ширинлик кўтариб келарди. Бунга болаларнинг онаси Фотима ҳам кўникиб қолган. Тонгда ишга жунаётганида эса албатта онасидан оқ фотиҳа сўрарди.

## ШИРИНЛИК КЕЛМАГАН КУН

16 февраль куни сахар ҳам шундай бўлди. Онанинг дуосини олган Азимжон ишхонада бирга ишлайдиган бемор ҳамкасбининг ҳолидан хабар олиб, сўнг ўз хизматида киришди. Маршрут бўйича йўлга чиққан Азимжоннинг "Нодирабегим" кинотеатри ёнидан ўтаётганида хаёлидан не ширин ташвишлар кечган экан?



Марказий Банкка тегишли 38-72 русумли қора

"Нексия"нинг рақами қолди, холос. Ўша куни Азимжон уйга қайтмади, болаларига ширинлик улашилмади. Тазкира ая ойнаи жаҳон орқали юз берган воқеаларни кўриб, падаркуш кимсаларни лаънатлаб ўтирарди. Ярим тунда қандай фожеа юз берганини ҳамма англаб етди, бироқ онаизорга ҳеч ким ҳеч нарсани билдирмади.

-- Катта ўғлим Азимжон 15 йил илгари БАМ қурилишида поезд ҳалокатига учраб вафот этганди. Шу боис онамизнинг юраги кўтаролмайди, деб мендан бор гапни яширишибди, -- онанинг ўша кунлар ҳақидаги қайта-қайта йиғлаб айтадиган гапи шу, -- мен ҳам ташқарига чиқмабман. Эртаси куни эса азондан ҳаммасини тушунтиришди...

Онажонининг етмиш ёшлигини катта тўй қилиб ўтказиб беришнинг ҳаракатида юрган ўғил бутунлай уни тарк этиб кетаётганида она ҳушидан айрилиб ётарди.

Унча-мунча гапларни эндигина чулдираб гапирадиган икки ёшли Нозиманинг ухлаши қийин бўлиб қолди. Фақат отасининг қўйлагини ва суратини ёнига қўйишгач, кейин уйқута кетади. Қизалоқнинг тушида отаси ҳўб ширин олмаю ноклар келтирганмиш...

## УНСИЗ



Улар роппа-роса бундан йигирма тўрт йил аввал танишишди. Кулча юзли, қошлари камалак, гулгун чехрали бу қизни Ринат ака ўшандаёқ ёқтириб қолди. Кўхликкина бу қиз бунчалик уятчан бўлмаса, паст овозда гапирса ҳам жуда хушфёъл, хушмуомала экан. Аввалига Ринатнинг кўнглидан кечгани шулар бўлди. Бибисора ҳам йигитга кўнгли қўйди. Тўй ҳам бўлди. Дўсту биродарлар қариндош-уруғ яқин-йироқдан йигилишиб, келин-куёвга ширин ҳаёт, бир этак фарзандлар ва биргаликдаги узок умр тилашди...

Шум тасодифни қарангки, шу йилнинг 16 февраль куни Марказий Универмаг сотувчиси Би-

## СУҲБАТ

бисора Сиёева "Нодирабегим" кинотеатри атрофида эди.

Савол устига савол ёғилаверади. Нега? Нега? Нега? Бироқ жавобини топиш мушкул. Эрак кишининг кўз ёшини кўриш энг қаҳри қаттиқ одамнинг ҳам юрагини ларзага солади.

Опанинг турмуш ўртоғи Ринат ака энг яқинини йўқотиб оғир дард, фироқ, титроқ билан узок гапира олмадилар. Мен эса ташрифимдан хижолатда ер чизардим. Ортиқча гап сўрамасам-да, Ринат ака билан Бибисора опа кўп йиллар мобайнида аҳил-иноқ яшашганларини, ҳаётнинг бор аччиқ-чучугинию, ширин неъматларидан биргаликда баҳраманд бўлганликларини фаҳмлаш мушкул эмас.

16 февраль куни Жамшид билан Рустамлар ўқишдан қайтишди-ю, оналари Бибисора опанинг келмаганидан хавотирлана бошлашди. Ринат аканинг суриштирмаган касалхонаси қолмади. Тез орада қариндош-уруғлар тўпланишди. Эртасига ҳаммаси аён бўлди.

Роппа-роса бир ойдан сўнг, яна ҳам аниқроғи 15 март куни Бибисора опа 46 ёшга тўларди. Ўғиллар оналарига бир ой аввалдан оқ совға тайёрлаб қўйишганди. Чиройли қилиб оқ қоғозга чирмаб, бежирим тасма билан боғланган ҳади ўралганича қолиб кетди...

Шоқир ака табиатан қувноқ бўлса-да, шу куни тонгдан жуда хомуш кўринди. Муножат опа бунини дарҳол пайқайди. Ишга кетар пайти эса келини қайно-

тасидан хафагарчилигини иш сўраганида:

-- Ҳали кеч қурун қайтиб кел-

сам, айтиб бераман, -деди Шоқир ака.

Муножат опа ҳам, келини ҳам нима гаплигини энди ҳеч қачон, мутлақо билишолмайди. Фарзандлар, келинлар, набиралар отанинг сўнги сўзини, васиятини эшитолмай армонда қолишди.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банк ходими Шоқирхўжа Юнусхўжаев ўша фожеавий кунда бу дунёдан мангуга кўз юмди.

-- Уйимиз тинч, сира сану-манга бормаганмиз, -деди Муножат опа. -- Тўрт нафар набирамиз бор. Кенжа ўғлимизни кузакда уйлантиргандик. Ҳадемай келиним фарзанд кўради. Бешик тўйи қилмоқчи эдик. Қизим Малоҳатда икки ўғил бор. Шуларга ўғил тўйи қилсам, дердилар.

Ўзбек уй қурсам, тўй қилсам, болаларимнинг роҳатини кўрсам, дейди. Бундай эзгу орзуларни Шоқир ака ҳам кўп ўйларди. Шоқир акани талини қайно-


ниган-билган одамлар у киши ни қўллари гул хунарманд, дейишади. Уй қурилишими, хонтахта,

курсиларми, бари Шоқир аканинг маҳоратидан дарак беради.

Хонадон бошига тушган кулфатдан хабар топган яқин-йироқ қариндошлар, Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳамда қатор тегишли ташкилотлар баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзишди.

Шоқир ака қобил фарзандларни етиштирди, бироқ бошқаларнинг ноқобил, оқпадар фарзандларининг қабиҳ хатти-ҳаракати туфайли оламдан кўз юмди...

Февраль воқеалари халқимизни такрор ва такрор ҳушёрликка, огоҳликка даъват этади. Зеро, барчамизнинг бағри бутунлигимиз, эл-юртимизнинг тинч-осойишталигидан ҳам улугроқ неъмат бўлмаса керак.



## ОТАНИНГ СЎНГГИ СЎЗИ

# ОРЗУЛАРИ ЛИБОСИДАЙ ОППОҚ ЭДИ...

Инсон учун улугъ фазилатлардан бири ўтганларни ёдга олиш. Айниқса, бундай улугъ айём кунлари шаҳид кетганларнинг пок руҳлари ҳақиқа Қуръон тиловат қилиш ҳар бир мўмину-муслима учун фарз ҳисобланади. Биз бугун эслаётган маъсума Дилрабохон февраль воқеаларида шаҳид кетганлардан.

Унинг севган қўшиғи бор эди. Илҳом Фармонов ижросида янраган. У бу қўшиқни қайта-қайта эшитишни ёқтирарди. Адашмасам қўшиқда: "Парвардигор, бандаларини бевақт ўлимдан сақлагин!" деган сўзлар бор эди. Бугун шу қўшиқни эшитиб, ўйла-ниб қолдим. Наҳотки, умрининг қандай яқун топишини у олдиндан сезган бўлса?!

Дилрабонинг дугоналари Наргиза, Шахло, Чинора, Карималар билан суҳбатлашганимда ҳам юқоридаги фикримга яқин сўзларни эшитдим.

У янги йилдан сўнг жуда ўзгариб кетган; ҳаммага қўлиб гапирар, у кирган давралар аввалгидан ҳам шод-хуррам ўтадиган бўлиб қолган экан. Ҳеч кимга ёмон сўз демайдиган, жанжал-каш тенгдошларини эса бу беш кунлик дунёда уришмай яшанглар, дея яраштириб қўядиган, яхши-ёмон инсонларнинг кўнглига йўл топиб гаплашадиган қиз бўлиб қолган экан.

Дилрабо гуруҳдош қизларидан ўзгачароқ, ҳар нарсага қизиқувчан, домларга кўп савол берар, улар билан фикр алмашар, жамоат ишларида фаол эди. У рақс тушишни ёқтираркан. Доимо:

**Сигиниб ўтайин сенга муҳаббат,  
Сигиниб ўтайин сенга садоқат.  
Сигиниб ўтайин сенга ҳам тоқат,  
Бир қизга икки бор ёр-ёр келмасин!**  
деган қўшиққа уйнарган. Афсуски, йигирма ёшли, бахтига йўл соладиган ёр-ёрлар янграйдиган пайтда Дилрабонинг ўзи орамиздан кетди.

Эртага у қўли энгил шифокор бўлиб етишиши табиий эди. Чунки у беморларни жонидан ортиқ яхши кўрарди. У ўқишга яқин жойдаги шифоҳонадаги беморлар ҳолидан хабар олишни, устоз шифокорларнинг тажрибаларини ўрганиб, керакли нарсаларни ўрганиб одамлар дардига малҳам бўлишни истарди. Энди сенин дардингга ким малҳам бўлсин, Дилрабо?!

Фарзанд доғида қуйган онасининг фарёди ҳануз тинмайди:

**Жонинг керакмида ёвуз инсонга?  
Қўйдинг-ку бўзлатиб мени фиғонда,  
Оҳ, сени ким отди, олиб нишонга?  
Дилрабохон, қизим, дардингни олай.**

**Сен юрар кўчалар хувиллаб қолди,  
Жонларинг маънос, ҳаёлга толди,  
Аччиқ қисмат мени не қўйга солди?  
Дилрабохон, қизим, дардингни олай.**

**Хатларингни тавоб айлаб  
тўймайман,  
Гаплашгандек ўқиб, қўлдан  
қўймайман,  
Кўзда алам ёши, сени ўйлайман,  
Дилрабохон қизим, дардингни олай.**

**Нима дейин сени кутар йигитга?  
Юрагини гулдек тутар йигитга?  
Қабрингга бош қўйиб  
кетар йигитга,  
Дилрабохон қизим,  
дардингни олай.**



Бир томондан эса уни чин қалбдан севган ёри ўз ёғига ўзи қовури-либ юрибди. У билан 14 февраль "Севишганлар кунин" бир даврада ўти-риб, ўйин-кулгу қилишган эди. Улардан бахтли инсонлар йўқ эди, шу дамларда. Дилрабонинг ҳаётдан но-лиганини ҳеч қачон эшитмаганман. У ҳамиша ҳаёт—севги билан ҳаёт дер-ди. Ўқиган китоблари ҳам, кўрган фильмлари ҳам севги-муҳаббат ҳақида бўларди. Инсон муҳаббатсиз яшолмас-лигини чин дилдан ҳис қиларди.

Унинг онасига муҳаббати кучли эди. Гарчи, Ташкентда опаси, тоғалари бўлса-да, у доим онасини соғинарди. Доимо оқ либосда юриш-ни яхши кўрарди.

Охирги пайтларда ҳам дугоналари

билан оқ либосда қайта-қайта расмга тушгиси келаверарди.

Ўша машъум кунин ҳам Мустақиллик майдонига суратини олиб келиш учун борган эди. Сурат 15 февралда тайёр бўлиши керак эди. У белгиланган кунин бориб, расмчи-ни топа олмади. Эртаси кунин яна бормоқчи бўлди.

Дугонаси Наргиза:

— Дарс йўқ эди, юр, расмга бориб келайлик, деди. Мен кўнмадим, бошқа қизлар ҳам. Энди афсус қиламан, борсам бўларкан? Ўзим бирга бўлардим, балки ўша ўқ тегмасми-ди?!

Дугонаси Шахло:

— Ўша кунин гарчи касал бўлсам ҳам боргим келди. Лекин негадир Дилрабо ўзи кўнмади. Мен бир соат-ларда келаман, унгача соғайиб тур, кейин бир жойга борамиз, деди. Бо-раверсам бўларкан, ўзим охирги мар-та кўрардим, сўзларини эшитардим.

Хонадоши Чинора: — Эрталаб чой ичаётганимдаёқ, кўнглим алланима-ни сезгандек хавотирлана бошлади. Хонадан чиққим келмади. Дилрабо эса бирор жойга бормоқчи эканли-гини менга айтмади. Иложсиз дарсга бордим. Келсам хона қулф. У расмга кетган экан. Кейин ўша шум хабар келди.

Мустақиллик майдонига бирга борган дугонаси Карима: — У билан мен бирга кетдим. Автобусда Дилра-бо нукул эслаш, хотирлаш, насиха-томуз фикрларни гапирди. Кўпинча шодон юрадиган қиз аллақандай маънос эди.

Автоматдан ўқ отилганда мен кўрқанимдан ўзимни ташлаб юбориб-ман. У эса ётишга ҳам улгурмади. Мен уни елпидим, турғизмоқчи бўлдим, аммо...

Ҳа, бир инсон умри, муҳаббати, севгиси ҳалок бўлди. Дилрабо вафо-тидан кейин ҳам ўша йигит келиб, унинг дугоналаридан суратларини олиб, йиғиб кетди. 8 март байрами арафасида ҳам келиб Дилрабонинг ду-гоналарига бир даста гул тутиб кет-ди.

Мен Дилрабонинг дугоналари юзи-даги маъюсликни кўриб юрагимда ўша оқпадарларга нисбатан нафрат янада кучайди. Мотам кунлари ерга боқиб турган байроқларимиз бугун мағрур ҳилпираётганини кўриб эса чин юракдан қувониб кетдим. Ҳа, бо-шимизга Яратган тангим, қолавер-са, юртимиз тепасида одил сиёсатли Президентимиз бор экан, энди бун-дай шаҳидлар асло бўлмаган!

**Хуршид БЕК,  
ТошДУ толиби**

Очилини  
а й т с а м,  
баъзида кур-  
сдошларим би-  
лан суҳбатлашиб  
турганимизда нолиб  
қолардик -- ўқиш  
қийин бўлиб кетди, бун-  
доқ бўлди, деб. Энди бил-  
сак бу гапларнинг ҳаммаси  
ношукрчилик экан. 16 февраль  
воқеаларидан кейин ҳаммамиз-  
нинг ҳаётга бўлган муносабатимиз  
ўзгарди. "Ёмонни кўрмай, яхшининг  
қадрига етмас" деган мақолнинг маъ-  
носига тушунгандек бўлдик.

Ўтганларнинг  
охирати оёда бўлсин!

## ЎДИНГИЗ МАНГУ ЯШАР

Тўғрида, ахир бу жинойт қанча-қанча бегуноҳ одам-ларнинг умрига зомин бўлди. Уларнинг орасида биз-нинг тенгдошларимиз ҳам борлиги айниқса ачинарли. Энг даҳшатлиси эса қотилларнинг ҳам аксарияти биз тенги йигитлар. Балки улар билан кўча-қўйда, автобус-да, яна аллақерда учрашгандирмиз, ҳамсуҳбат бўлгандирмиз. Лекин айтаётган гаплари нималарга олиб келиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаганмиз, лоқайд юраверганмиз.

Ҳайит яқинлашган сайин фожеа қурбонлари ҳақида ўйлар эканман, мени шу хаёллар қийнайди. Шунда бу воқеа бизга бир умрлик сабоқ бўлиб қолиши керак, деган фикрга келаман. Албатта турмушда қандайдир қий-инчиликлар бўлиши табиий. Бироқ, юртимизда тинч-лик бўлиб турса ҳаммаси изга тушиб кетади.

Ачинарли томони шундаки, турли ғаразли мақсадларни кўзлаган жинойи гуруҳлар муқаддас дини-мизни ниқоб қилиб олмоқда. Бу билан улар дунёдаги миллионлаб одамлар эътиқод қўйган, халқимизнинг миллат сифатида шаклланишида беқийс ўрин тутган -- саҳоват ва садоқатни, ҳалоллик ва муҳаббатни тарғиб этувчи Ислом динини ҳақорат қилаётир.

Тўғриси айтсам, мен ҳам номозхонман. Лекин мен номозни ўзимни нопок йўлдан тийиш, қалб му-саффолигига эришиш, бир сўз билан айтганда, Муҳаммад пайгамбаримиз васият қилган эзгу амалларни бажо кел-тириш учун ўқийман. Менимча, ҳар бир мўмин-мусл-мон шундай ниятда. Зеро, Президентимиз таъкидлаган-ларидек, Аллоҳ қалбимиздадир. Биз саждага бош қўя туриб, Яратгандан мамлакатимизга барқарорлик, халқимизга тотувлик, Юртбошимизга омонлик сўраймиз.

Мусулмон оламининг муқаддас байрами -- Кур-бон Ҳайити кунин эса барчамиз бегуноҳ ҳаётдан кўз юмганлар руҳига бағишлаб тиловат қиламиз, уларнинг яқинларига Аллоҳдан сабр тилаймиз.

**ШЕРЗОД, талаба**

## ИЙМОНИМИЗ БУТУНМИ?

Ҳайит -- эзгулик, саҳоват, меҳр-оқибат айёмидир. Бунда барча бир-бирини байрам билан қутлайди, ёшлар кексаларни зиёрат қилади, уларнинг дуосини олишга интилади.

Бугун эса, февраль воқеалари қурбонларининг илк ҳайитларидир. Энг ачинарлиси, террорчилик ҳатти-ҳаракатларининг иштирокчилари ҳам ёшлар, сизу бизнинг миллатдошларимиз. Бироқ уларга нима етишмасди?... Ниҳолки қандай парваришласанг унинг меваси ҳам, ташқи кўриниши ҳам шунга яра-ша бўлади. Акс ҳолда эгри усган дарахтни тўғриланиши иложи йўқ. Президентимизнинг ва-тандошларимизга қарата "Ўзбекистондаги ҳар бир йигит-қиз менинг фарзандларим. Уларнинг тарбия-сини бировларга ташлаб қўймаймиз", деган гаплари эшитиб, юзлаб, минглаб оналарнинг кўзида ёш қалқиди, қалби ҳаяжондан тўлқинланиб кетди. Ҳатто шўро замонининг зугумли пайтида ҳам бари-бир одамларнинг дилида имон, эътиқод сақланиб қолди.

Ўзини гўёки тақводор сановчи баднийат кимса-лар содир этган қабих ишлар, уларни бундай пас-ташликка даъват этган қора кучларнинг ҳатти-ҳара-кати эса нафақат Ислом, балки дунёдаги ҳеч қандай динга ва умуман инсонийлик доирасига сиғмайди. Ислом дини кишиларни ҳамма вақт яхшиликка ундайди. Динни ниқоб қилиб, қўлини қонга ботир-ган кимсалар эса икки дунёда ҳам Яратганининг қаҳру-газабига дучор бўлади!

**Н. ШАВКАТ қизи**

## ДИН-ЭЗГУЛИКДИР

Агар инсон қалбида Яратганга эътиқод бўлса, у ҳеч қачон ёвуз ишларга қўл урмайди. Қандайдир иймонсиз кимсалар муқаддас динимизни ниқоб қилиб, юртимиз тинчлигига, халқимиз хотиржамли-гига раҳна солмоқни истишоятган экан, улар Ҳақ олдида ҳам абадул-абад кечирилмас манкуртдирлар!

Эшитаманки, фақат бизда эмас, хорижда ҳам муқаддас Ислом байроғи остида қўпурувчилик иш-ларига "бел боғлаган" нокаслар учрар экан. Ҳақиқий мусулмон бўлган инсон ўз динини оёқ ости қилиб қўймайди, аксинча, унга ортиқча гап тегизмасликка ҳаракат қилади, уни ҳимоя қилади. "Фитнага сабаб бўлгулик амаллардан сақлангин!" дейди жаноб Расу-лulloҳ. Чин мўмин бу сўзга амал қилади.

Инсон ўз мулкни, жуфту-ҳалолни бировдан асраганидек, ўзи эътиқод қўйган Ислом динини ҳам қалб эҳтиёжи, Худонинг амри билан асрашга лойиқ бўлмоғи керак.

Мана барча мусулмонларни эзгулик йўлидаги ку-рашга чақираман.

Илоҳи бу ишда бизга бош-қош бўлаётган Йўлбошимизни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин.

**Наргиза ҚУЛМАНОВА,  
Урта Чирчиқ тумани Тўя бўғиз кўрғони**

# ОДАМИЙ ЭРСАНГ...

Касал кўргани борувчи киши жаннат боғида юргандекдир.

Мархумлар орқасидан ҳақорат қилувчи киши ҳалокатга яқиндир.

Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар. Ёмон сифатларидан тилингизни тийинглар.

Ўлганларни ҳақорат қилманглар, чунки улар қилмишлари ортидан кетадилар.

Агар бир мусулмон киши иккинчи биродарига қурол ўқтал-са, то қуролни қўйгунча фаришталар унга лаънат айтиб туради.

Агар икки мусулмон қилич яланғочлаб бир-бири билан уришса ва бири иккинчисини ўлдирса, ўлдирган ҳам, ўлган ҳам, дўзахга тушади.

Комил мусулмоннинг сифати шундайки, унинг қўли ва ти-лидан бошқа мусулмонлар озор топмайдилар.

Бир-бирингизга эҳсон қилинглар, чунки эҳсон муҳаббатни оширади ва дилдаги гашикларни йўқотади.

Энида кўшниси оч туриб, ўз қоринини тўйгазиб юрадиган одам мўмин эмас.

Жамоатдан ажралманглар, чунки шайтон ёлғиз киши билан биргадир ва икки кишидан узоқдир. Кимки жаннат неъматларини хоҳласа, жамоат билан бирга бўлсин.

Қиёмат кунин Аллоҳ айтади: "Эй одам боласи, касал бўлдим, келиб кўрмадинг". "Ё раббий, қандай қилиб сени кўраман, ахир Сен бутун оламнинг парвардигори бўлсанг?" Аллоҳ айтади: "Билмадингми, фалончи бандам касал бўлди, бориб кўрмадинг? Агар борганимда эди, унинг ҳузурини мени топардинг". "Эй одам боласи, оқват сўрадим, сен бермадинг". "Ё Аллоҳ, қандай оқватлантираман сени, ахир сен бутун оламни этаси бўлсанг?" Аллоҳ айтади: "Билмадингми, фалон бандам сендан оқват сўради, бермадинг. Агар уни оқватлантирганимда эди, мукофотини мендан олардинг". "Эй одам боласи, сендан сув сўрадим, бермадинг". "Ё раб-бим, қандай қилиб сенга сув берай, ахир сен жаноб робил аъламин бўлсанг?" Аллоҳ айтади: "Биласанми, фалон бандам сендан сув сўради, бермадинг. Агар берганимда эди, уни ҳузурини мени топардинг".

**Ҳадислардан**

Арафа, ҳайит кунлари, азалдан илоҳий кунлар эмиш. Кимда ким пок ниятлари ила нени сўраса ҳаммаси ижобат бўлармиш.

Ана шундай ҳаёлотлар ичида ўтирибман, бедор бу оқшом, Юрагимни тегирмондек янчар бир соғинч.

Эй, менинг меҳрибон Онажонгинам! Бу кеча Сиздан олисда Сизнинг ҳаёлингиз ила уйғоқ қизингиз тиз чўкиб Яратган Эгамга ибодат қилмоқда:


-- Танграм, менинг сендан бир ўтинчим бор. Агар тилақларимни ижобат этсанг, онамга бахшида этгин саодат. Мунис, муътабар Онажонгинамнинг нурли юзида фақат қувонч акс этсин. Унинг меҳридан яралдим, илло. Она каби бўлмас ҳеч ким дардкаш ва ягона сирдош. Фаришталар силасин оқ сочини, меҳр ўпсин онам пойини, хизматини қилсин тоабат. Зотан, фаришталар мусаххардир Оналар олдида.

Қалбим истизозда. Лоуболи бўлма, Танграм, ибодатим бўлсин таъаббул!

Онажон! Сизни эслаб муаззабман. Сизнинг барча навозишларингиз мени ёнингизга чорлар. Ва дейман: "Шу тоб қанот ато

ва яна неча-неча такрорланди бу меҳрли аллалар. Аллалар эртақларга айланди, эртақларнинг рўёлари туғаб битгач, ҳаёт деб аталмиш узун сўқмоқнинг бошидан чиқиб қолдик. Ушанда ҳам ҳаммиша ёнимизда, ҳар нарсада муталли қилгувчи сиз эдингиз, Онажон! Бу кун эса гўдақларингиз ўз йўлини топиб олиш учун қайларда сарсон. Сиз эса яна бизларни ўйлаясиз: "Қизим қийналмадимикин? Тошкенту азимда мусофирчиликда не қилдийкин, соғлиги жойидамикин?" Мен эса сиздан олисда -- тасаввурларим деворларига меҳрли суратингизни чизиб ўтирибман. Мана эгингизда тандир халат, катта рўмонли ўраб олиб, иссиқ тандир тафтидан буғриқиб нон ёпаясиз... Бизга атаб қалбингиз қўрила гиламлар тўқиясиз. Сўзаналар тикаясиз. Оппоқ, пок эзгу ниятлар дилингизга жо. Фақат ва фақат бизни ўйлаясиз. Онажоним, ахир ўзингизни қачон ўйлаясиз?

Нилуфар ТУРСУНОВА



## ОНАМГА

этса-ю, елиб борсам ва оловли кафтингизда майли эрисам!"

Онажон! Қўриб турибман, олисда -- Сиз мени -- инжиқ ва қайсар, йиглоқи чақалоқни ярим тунда ҳамма ором олаётган сокин паллада мужгонларингизни уйку бирлаштироққа уринаётганда -- унга ожизгина моғойирликда меҳрли ва сеҳрли овозла майингина алла айтаясиз. Аллангиздан сарфарос кенгликларгача тахаюрда. Аммо чақалоқлигидаёқ ўжар қизингизгина ҳамон чинқириб йиғлаётибди...

Аллаларингиз мени улғайтирди

Сафар БАРНОЕВ

## ҚУЁН ЙИЛИ

Қуён йили ўзи билан,  
Топган ризку рўзи билан,  
Қутлуғ келсин изи билан,  
Ўрин йўқдир "қуён"ларга...  
Бу йил аёл ҳукмидадир,  
Ширин хаёл ҳукмидадир,  
Битта савол ҳукмидадир,  
Ибрат яхши-ёмонларга.  
Йўлбарслар ҳам майин тортар,  
Қўрқмаслар ҳам майин тортар,  
Тортмаслар ҳам тайин тортар,  
Ишламайлик зиёнларга.  
Омон бўлсин аёл зоти,  
Тулпор бўлсин минган оти,  
Бизда бўлсин мудом ёди,  
Йўқ, йўқ уён-буёнларга.  
Метин бўлар қўргонимиз,

Биз кўз очиб қўргонимиз,  
Бошлаб турса қарвонимиз,  
Чиқажакмиз доvonларга,  
Яшайлик хуш, чақ-чақлашиб,  
Йигит борсин, чақмоқлашиб,  
Суҳбат кетса, қаймоқлашиб,  
Тайёрмиз имтиҳонларга...  
Битмаган иш энди битар,  
Ғаму ташвиш тамом йитар,  
Уйларимиз тўлиб кетар,  
Бу йил қизу ўғлонларга.  
Фақат битта узур бор,  
Ҳар кимнинг ҳам қусури бор,  
Яхшилиқнинг ҳузур бор,  
Эрк бермайлик забонларга.  
Қуён йили ўзи билан,  
Ҳар ким топган тузи билан,  
Аёл ёруғ юзи билан,  
Боқсин биздай боёнларга.

ЭРУ

## ХОТИН

Дунёда икки устун, эру хотин,  
Очади рўзгор ҳуснин, эру хотин,  
Ўзгартса агар тусин эру хотин,  
Бўлади остин-устин эру хотин.  
Эру хотин "қўш хўкиз" дейишар,  
Излаб топар ризку рўз дейишар.  
Гар тегмаса агар кўз дейишар,  
Бутлаб борар кам-кўстин эру хотин.  
Қурса агар мустаҳкам қалъасин,  
Хурсанд қилар бир этак боласин,  
Кўрсатмайин битмаган чаласин,  
Қадрлайди ёр-дўстин эру хотин.  
Эру хотин сирини ёйса гар,  
Оёқлари юурса, дарбадар,  
Чорлаб турса ўзига эски жар,  
Қуя тушган жун пўстин, эру хотин.  
Ҳар кимнинг ўз йўли-ю йўриги,  
Давом этар яшашнинг кўриги.  
Бойлоқ турса эшиқда тўриги,  
Баланд қилар ўз дастин, эру хотин.  
Шеър туғилди эру хотин баҳона,  
Унутмайлик, муқаддас остона,  
Нурланади, нурланган нурхона,  
Унутмаса гар касбин эру хотин.

кўрмайсиз. Пулларингизни тинчгина омонат кассаларида сақлаясиз. Агар ўзингизни енгиб маблағингиз билан фаолроқ муомалада бўлсангиз сизга омад кулиб боқади. Бунинг учун озгинагина талбиркорлик керак, холос.

11-12 балл. Бозорда пул сарфлашга устамонсиз. Бу борада сизга ҳавас қилса арзийди. Вақти вақти билан таваккал ишларга сармоянгизни сарфлашга чўчиманг.

Маблағингизнинг бир қисми қимматбаҳо қоғозлар шаклида тургани маъқул. Қолганига худонинг ўзи мадақкор бўлади.

21-30. Қойил! Сизга ҳавас қилиш мумкин. Пул билан қандай муомалада бўлиш борасида сизга тенг келадигани йўқ. Талбиркорлик билан иш юритасиз. Нимага кўл урсангиз доим сизга омад кулиб боқади. Чунки фақат эҳтиёт бўлишингиз, ўзингизга-ўзингиз "илдамлаб кетмаяпманми, шашмаяпманми" деб савол беришни унутманг. Чунки ўта салоҳиятли одамлар ҳам хатоликларга йўл қўйиши мумкин. Агар ўзингизга қатъий ишонсангиз, ҳар қандай хавф-хатар сизни четлаб ўтиб кетади.

Иzzат АХМЕДОВ тайёрлади

ОРЭУЛАРГА ТУТАШГАН ХАЁЛ  
Дилшод Юсупов суратга олган



## ЧўНТАКДАГИ ПУЛИНГИЗГА ДЎСТМИСИЗ?

Ишбилармонлар пулдан пул ясашни афзал кўрсалар, баъзилари эса арзимаган нарсаларга сарфлаб юборадилар. Кўпчилик қора кунимга яраб қолар деб авайлаб асрайди. Хўш, пул билан қандай муомалада бўлиш керак?

Қуйидаги саволлар туркумига тўғри жавоб берсангиз, Сиз ўзингизни пулга бўлган муносабатингиз тўғри ёки нотўғрилигини билиб оласиз.

1. Сизнингча, ҳалол меҳнат билан бойиш мумкинми?

Ҳа - 2 балл, билмадим - 1 балл, йўқ - 0 балл.

2. Газеталардаги иқтисодий мавзудаги мақолаларни мунгазам ўқиб борасизми?

Ҳа - 1 балл, баъзан - 2 балл, йўқ - 0 балл.

3. Мўмай даромад олиш мақсадида кўрқмай таваккал йўл тута оласизми?

Ҳа - 1, билмадим - 2, йўқ - 0.

4. "Пул бахтсизлик келтиради" деган ибора сизнинг нуқтаи назарингизга мосми?

Ҳа - 0, билмадим - 0, йўқ - 2.

5. Қарз олиб тезда узайдиган танишингизга пул берасизми?

Ҳа - 0, ичсам баъзан - 1, йўқ - 2.

6. Ойлик арафасида ҳамёнингизда бироз пул бўлармиди?

Ҳа - 2, баъзан - 1, йўқ - 0.

7. Биргина чайқовчилик билан яшаб бўладими?

Ҳа - 0, билмадим - 1, йўқ - 2.

8. Чойчақа бераётганда фақат майда пуллар билан чегараланиш мумкинми?

Ҳа - 0, билмадим - 1, йўқ - 2.

9. Пул кишининг хулқини бузганими?

Ҳа - 2, баъзан - 1, йўқ - 0.

10. Ҳаётингизни сугурта қилдирганмисиз?

Ҳа - 0, сугурта қилдирмоқчиман - 1, йўқ - 2.

11. Бирор ишда пул билан қатнашмоқчи бўлсангиз, турмуш ўртоғингиз билан маслаҳатлашасизми?

Ҳа - 2, агар бусиз унинг чораси бўлмаса - 1, йўқ - 0.

12. Қарзингиз борми?

Ҳа - 0, бўлиб туради - 1, йўқ - 2.

Жавобларингиз нимани аниглади?

-- 0-10 балл. Мўмай даромад олиш ниятида таваккалига иш

**НАЙРОБИ.** Кенияда темир йўл ҳалокати туфайли 36 нафар йўловчи nobуд бўлди. Уларнинг беш нафари европалик сайёҳлардир. Шунингдек, юздан ортиқ йўловчи жароҳатланган.

Маълумотларга қараганда, поездда 400 нафар йўловчи бўлиб, уларнинг аксарияти Ҳинд океани бўйидаги Момбасу дам олиш масканига кетаётган сайёҳлар эди. Кутқарув хизмати вакилининг айтишича, асосан олдинги вагонлардаги йўловчилар қурбон бўлган. Ҳалокат сабаби ҳозирча аниқ эмас.

**Р И М.** Италиянинг собиқ Бош вазири Романо Проди Европа Комиссиясининг янги раҳбари этиб сайланди. Берлин саммитида иштирок этаётган Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари бир овоздан Р.Проди номзодини ушбу лавозимга лойиқ деб топган. Янги раҳбар биринчи апрелдан ўз вазифасини бажаришга киришади.

Маълумки, комиссиянинг илгариги раҳбарияти коррупцияда айбланганди. Шундан сўнг улар ялпи ҳолатда истеъфога чиқишга мажбур бўлган эди.

**В И Н Д Х У К.** Намибиянинг марказий дам олиш масканларидан бири - Свакопмунд маъмурияти чекишга қарши жиддий кураш бошлашга маълум қилди. Ҳозир бу ерда чекиш қатъиян ман этилган. Ушбу қондани бузган кимсалар 25 АҚШ доллари миқдорда жарима тўлайди.

Кузатувчиларнинг айтишича, кейинги пайтларда Намибияда чекишга қарши бундай тадбирлар кўпайиб амалга оширилмоқда. Жумладан, жамоат жойлари, ресторан, вокзал ҳамда иш жойларида чекиш мутлақо мумкин эмас.

**Б Е Л Г Р А Д.** Югославия қуроли кучлари бош штаби НАТО бомбардимони тўғрисидаги биринчи расмий хабарни тарқатди. Унга кўра, НАТОнинг Югославияга ҳужуми 24 март кун маҳаллий вақт билан саот 20.00 да бошланган. Сўнгги хабарларга кўра, Югославияга ҳаводан зарба беришда НАТОнинг 70 жанговар самолёти қатнашган. РАТА-ТАСС ахборот мақамаси тарқатган хабарга қараганда, Югославиянинг 7 шахрига ракета-бомба зарбаси берилган. Операция уч соат давом этган.

**Б О Н Н.** РАТА-ТАСС ахборот мақамаси тарқатган хабарда айтилишича, НАТО Югославияга қарши ҳарбий операциянинг навбатдаги босқинчи амалга оширишга шонилмапти. Германия мудофаа вазири Рудолф Шарпинг журналистлар билан суҳбатда шундай деди.

Р.Шарпинг воқеалар ривожига тўхталар экан, яна



бироз куттиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади. Бордию Югославия биринчи зарбадан кейин бироз вақт ўтгач ҳам Косово муаммоси бўйича фикрини ўзгартирмаса, у ҳолда НАТО ҳарбий операциянинг навбатдаги босқинчи амалга оширади.

/ЎзА/

**РОНАЛДО ҲАМ ҚУРБОНЛАР РЎЙХАТИДА**

Ўз «юлдуз»и ишончли оқламаганда ёки рақиб томоннинг «юлдуз»и ўзи устунроқ келиб қолганда, ишқибозларнинг ўйинчиларга турли буюмларни улоқтириш ҳоллари барчага таниш манзара. Бироқ бундай майда безориликлар энди тарихга айланади, чамаси. Чунки энди мухлислар ўйинчиларга қарата хавфли қурол - лазер нуруни ишга сола бошлади.

«Юқори технологияли безорилик»нинг илк қурбонларидан бири Италиянинг «Интер» жамоаси ҳужумчиси - бразилиялик футбол «юлдузи» Роналдо бўлди. 27 февраль кун бўлиб ўтган «Ювентус»-«Интер» учрашувининг иккинчи бўлимида унинг бўйнида бир неча сантиметрли яра пайдо бўлди. Уйиндан кейин шифокорлар текшируви чоғида бу яра куйиш натижаси экани аниқланди. Бу ҳодиса «Парма»-«Интер» учрашувидан яна такрорланди.

Омма орасида турли гап-сўз кўпайиб кетаётган бир пайтда, Италия матбуотида шу хусусда мақола чоп этилди. Маълумотларга қараганда, Роналдо ҳақиқатан ҳам «лазер тўппонча» билан яраланган. Ҳозирги пайтда ҳар қандай «юлдуз» ҳам «усталар» томонидан шу тарзда яраланиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки ҳажми унчалик катта бўлмаган бу «лазерли тўппонча»ни қўлда яшаш мумкин. Бунга техника моллари билан савдо қиладиган дўконларда сотиладиган буюмларнинг ўзи кифоя. Лазер нурунинг қувват манбаи эса уч дона батареяка ҳисобланиб, бир-икки мартаба «отиш»га етади.

Шундай бўлса-да, италиялик тиббиётчилар бу ҳолатдан ортиқча ташвишланишга ҳолат йўқ, демоқда. Уларнинг таъкидлашича, лазер нурунинг узқлиги чекланган, майдонга етиб келгунча тарқаб беэён бўлиб қолади. Роналдо эса бу жароҳатни майдоннинг четида, мухлисларга яқин жойда олган бўлиши мумкин.

**УЭМБЛИ: ЧЕМПИОНАТ САРИ**

Анчадан бери Буюк Британия оммавий ахборот воситалари «Англия футболининг тимсоли» деб ном олган машҳур ўйингоҳ - Уэмбли стадиони сотилади, деган янгиликни атрофдаги ўрганиб, бу савдо қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини таҳлил қилаётган эди. Айни пайтда, Англиянинг 2006 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатини қабул қилиш тарафдорларининг боши осмонда. Уларнинг айтишича, агар Уэмбли сотилса, ўйингоҳни қайта таъмирлаш анча осон кечади ҳамда мамлакатнинг 2006 йилдаги жаҳон чемпионатини қабул қилиш эҳтимоли ҳам ортади.

«Ўйингоҳ эгаси ўзгаришининг жаҳон чемпионатига қандай алоқаси бор», деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, 1923 йилда қурилган, айни пайтда эса акциядорлик жамияти мақомига эга бўлган Уэмбли ўз рақиблари билан рақобатлаша олиши учун уни қайта таъмирлаш лозим. Бу эса акциядорлик жамиятининг «белини букиб қўйиши» аниқ. Шунинг учун акциядорлар йиғилиши бир ўқ билан икки кўёни уриш мақсадида мамлакат футболининг рамзини Англия футбол уюшмасига сотишга қарор қилди.

Маълум бўлишича, Уэмблининг нархи 106 миллион фунт стерлинг (172 миллион АҚШ доллари) миқдорда белгиланган. Уюшма раҳбарларининг таъкидлашича, бу келишув бир тарафдан мамлакат футболининг янада раванак топиши учун хизмат қилса, иккинчи томондан Англиянинг 2006 йилдаги жаҳон чемпионатини қабул қилиши йўлида ҳам беқийс аҳамиятга эга бўлади.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,  
/ЎзА/

**(Давоми. Аввали ўтган сонларда)**

У Акмалнинг узоқ вақтдан бери бемор ётган онаси қазо қилганлигини айтмоқчи бўлди-ю, яна бу фикрдан қайтди.

- Тахмина хоним Оқсаройдан чиқиб кетибди. Ҳозир телефон қилиб топамиз. Мумтоз меҳмонларнинг «ҳечқиси йўқ. Қидириб ўтирманг, хонимни безовта қилманг» дейишларига ҳам боқмай, шаҳардаги уйга ҳам, жавоҳирот мағозасига ҳам кўнғироқ қилиб кўрди. Жавоб бўлмади. Шундан сўнг у «Эҳтимол, Сурайёнинг ташвиши билан юргандир» деган фикрда ўзини тинчлантди.

Учовлон билетларни қайд этиш секцияси томон бамайлихотир йўналишаркан, ногоҳ Мумтознинг рўпарада, уларидан ўн беш қадам нарида улар томон қараб турган тўрт нафар кишига кўзи тушди. Тўрттовиям қора чарм куртқада, гавдали-гавдали йигитлар. Шу пайт улардан бири ажралиб чиқиб, улар томон пешвоз юра бошлади. Мумтоз уни дарҳол таниди: кечаги Эргаш, шаҳар дезинфекция станциясида ишлайман деган одам. Чакки эмас, кийинишию юришидан кеча бошқа-ю бугун бошқача. Ёки буюм ўртоқлари билан сафарга жўнаётганикин...

Ҳар ҳолда, шу одамни кўриб, Мумтознинг яна таъби хира тортиди. Афтидан, меҳмонлари бу одамга унчалик эътибор беришмаётганидан, уни танишмади.

Эргаш тўғри келиб, улар билан бирма-бир «илиқ»қина саломлашаркан, шунда Кутбиддин уни таниб қолиб, ясама мулоимлик билан форсийда деди:

- Э-э, Бехбуднинг ошнасику, топдимми?

- Худди шундай, жаноб Кутбиддин, - форсийда жавоб қилди Эргаш. - Бехбуднинг ошнасиман...

Шунда Эргашнинг шериклари ҳам булар томон аста юра бошлаганини кўриб, Мумтоз ҳадиқ ва саросима билан суради:

- Сизлар ҳам сафаргами дейман, Эргашбой?

- Нима десамкикин, сизларни кузатгани чикдик, - ҳазил аралаш деди Эргаш.

- Кузатгани? Унда ошнангиз Бехбуд қани?

- Ошнам Бехбуд бир жойда ўтирипти. Аниқроғи, биз сизларни кузатгани эмас, кутиб олгани чикдик...

май ҳайрон эди. Эргашнинг шериклари келиб, буларнинг атрофида тик туриб қолишди. Улар нега саломлашмаганидан тегишли хулоса чиқариб, Кутбиддиннинг ҳам, Давлатбердиннинг ҳам рангидан қон қочди. Аҳвол чатоққа ўхшайди!

Кутбиддин билан Давлатбердиннинг ранглари докадай оқариб, қалтираб жим турганини кўрган Мумтоз энди чиндан ҳам ўртада «бирон гап борлиги»га ишонч ҳосил қилди.

Уларни олиб боришиб, аввалига

алоҳида-алоҳида камераларга қамаб қўйишди. Кейин бирма-бир сўроққа чақиртиришди. Мумтозни полковник пўримдаги серсавлат бир кишининг ҳузурига олиб киришди.

Полковник унга чет эллик бу жанобларнинг халқаро йирик жиноятчилар эканлиги, уларнинг катта миқдорда гиёҳханд моддалар сотиш билан шуғулланишлари ҳақида сўзлаб берганида, Мумтоз бу гапдан донг қотиб қолди.

- Мана, бу сафар энди улар сиздан фойдаланмоқчи бўлишди, - сўзида давом этди полковник. - Улар сизнинг фирмангиз учун жўнатилган мебель орасида ичига катта миқдорда қорадори қўйилган махсус гарнитурни ҳам қўшиб олиб келишди-да, кейин уни Тошкент орқали бошқа давлатга ўтказмоқчи бўлишди.

Мумтознинг кўз олдида бугун тунда Алматыга жўнатилган «Наврў» гарнитурни келди. «Эҳа-а, мана гап қаерда экан!» - у беихтиёр безовталаниб, қузғалиб олди. Полковник унинг бу ҳолатига эътибор берди.

Мумтознинг бадани музлаб, пешонасида совуқ тер йилтиллади.

Мерседес шаҳардаги уй томон йўл олди. Мумтоз йўл-йўлақай бугунги но-

хушликларни бирма-бир кўз олдидан ўтказаркан, Тахмина ҳаммасидан хабар топтими-йўқми, уни ана шу қизиктириб қолди. Мабодо меҳмонлар билан юз берган воқеани эшитган бўлса, бу масалага у қандай муносабат билдиради?

Автомашинадаги телефоннинг нима балосиям қуйиб қолиб, бир ҳафтадан бери ишламаётгани, Алим ака шуни бир амаллаб тузаттириб олишга вақт тополмаётганидан Мумтоз гашланиб қўйди. Лекин ҳозир шуни деб уния, узиниям диққат қилишни лозим топмади.

- Бугун Тахмина билан боғланганим йўқми? - суради у Алим акадан.

- Йўқ. Мумтоз ундан бошқа ҳеч нима сўрамади. Барибир буюмлардан «йўқ» ёки «ҳа»дан бошқа гап ололмади. У яна ўз халлари билан куймаланди.

Минг лаънат, ишнинг расвоси чиқди. Мумтоз оқланиб чиққан тақдирда ҳам, эрта-инди бугун шаҳарга, кейинроқ ундан нарироққа ҳам гап тарқайди. Билган у, билмаган бу дейди. Худо билади, ҳали миш-мишчилар Мумтоз ҳақида нималарни тўқиб чиқаришмайди. Буниси ҳам майли, дейлик. Текшир-текширлар бошланиб кетиб, Мумтозга ҳуфёна бойлик келтириб турган жойлар очилиб кетсачи!? Эй худо, шармандалиқдан ўзинг асра!

У тезроқ Тахминани топиш ва бугун тонг отарга қадар қўлдан келгунча у-бу ишларни саранжомлаб олишга қарор қилди.

Мумтоз учун қутилмаган ҳол рўй берди. Тахмина уйда йўқ, эшик қулф эди. Бу дароғ Мумтоз учун ҳаминча очиқ бўлиб келган ва шу боис у чўнтагида калит олиб юришга одатланмаган эди. Бугун биринчи марта остонадан қуруқ

қайтиб кетишга мажбур бўлаётгани шу-сиз ҳам кўнгли хуфтон Мумтозга алам қилди.

У рўпара эшикда яшовчи ўрис кампирдан бугун Тахминани кўрган-кўрмаганлигини суриштирди.

- Хоним тушгача уйда эдилар, - деди кампир. - Бир марта сигарет ва яна бир марта ўн сўм пул сўраб кирдим. Иккала сафар ҳам йиғлаб ётганини кўрдим. Кимидир ўлган экан, йиғлайвериб бир аҳволга тушиб қолипти. Насихат қилдим, ўзингизни қўлга олинг, дедим. Яхшиси, бир-икки юз грамм ичиб олинг, гамни кўтарайди, дедим.

- Гапни қисқароқ қил, бабуля, - тоқатсизланди Мумтоз.

- Кейин... - Кампир эғнидаги халат чўнтагидан икки энли хат чикарди.

- Мабодо ҳўжайин келиб суриштирса, шуни бериб қўясан, деб тайинлади. Соат иккилар эди чамаси.

Мумтоз кампирнинг қўлидан хатни зарда билан тортиб олдида, ёзувга саросимали кўз югуртирди: «Мен машинада Қўқонга кетдим. Эртага қайтаман. Тахмина».

«Аҳмоқ, Сенга нима эди» - кўнгилдан ўтказди у, Тахминанинг кўз ёшлари-ю, унинг Қўқонга жўнаб кетишини Сурайёнинг ўлими билан боғлаб. - Ҳойнаҳой, қариндош-уруғларидан битта-яримта бўлса, топиб, хабар қилиб келади!»

У энди ҳамма нарасага қўл силтаб, машинани Оқсарой томон ҳайдашга буюрди.

... Кеча бу пайт улар шаҳарнинг бир тўшасида, пиво заводи директори Самандарнинг ҳашаматли дала Ҳовлисида ҳузурли жон машафта эдилар. Буюрма билан келтирилган гулбадан нозанинларнинг энг ёши, энг бўзали Мумтозники бўлди. Эндигина балоғат ёшига етган Афсона исмли бу «паризот» билан у иккинчи марта учрашишди.

Бу гал энди Афсона Мумтозни ўз қадирдонидек қаршилади, сийлади. Тонготар машафт бўлди.

Хайрлашар чоғи, Афсона Мумтознинг елкасидан кучиб, чала-чўппа узбекчада:

- Ҳўжайин, мени олиб кет. Мен сенга ўғил туғиб берман, - деди.

(Давоми бор)

**СОЛИҚ ҚАҲҲОР**  
**ДАЙДИ ҚИЗНИНГ**  
**ҲАСРАТ КЕЧАСИ**  
**ИККИНЧИ**  
**КИТОБДАН**



**СЎЗЛОВЧИ  
СИГАРЕТЛАР**

Америкада гапирадиган сигарет қутилари чиқарилди. Бундай бир қути оғу 30 доллар экан. Сигарет чекиб бўлингач, қутичани янгилари билан тўлдириш мумкин. Унинг гаройиблиги шундаки, ҳар сафар навбатдаги сигаретни олганингизда қуйидаги мазмунда овоз келади:

-- Ўпкангни асрасангчи! Аҳмоқ одам чекади. Қўлингизни тезда ташла!

**МИЛЛИОН МИЛЛАТ  
МИЛИАРДЕР**

Швейцариялик миллиардер Питер Рапольд мол-мулкнинг бир қисмини озидан саклаб юрarkan. У тилларига бриллиант, тилла каби қимматбаҳо жавоҳирларни қоплатибди.

**МИНЛАБ  
ДОЛЛАРНИ  
ЧАЙНАМАЙ  
ЮПТАН ҚИЗ**

Детройт шаҳрилик 19 ёшли Терри Нуолес исмли қиз ўзи ишлайдиган банкка тегишли 26 минг долларни ютиб юборгани учун жиноий иш қўзғатилди. Қиз онасининг айтишича, у ўн тўрт яшарлигида онанинг бир ҳафталик бюджети -- 200 долларни бир зумда еб юборган экан. Рухшунослар унга пулни ютиб юбориш ҳасталигига чалинган деб ташхис қўйишган. Кейинчалик ҳам қиз ота-онасидан майда харажатлар учун олган пулларига бирор нарса харид қилиш ўрнига ютадиган одат чиқарган.

Ҳаройиб одатли бу қиз банкда ишлаган уч ойлик муддатда жами 26 342 долларни еб юборган. Камомадни бошлиқлари сезиб қолмаслиги учун у ҳар гал бухгалтерия ҳисоботларини чалкаштириб келган.

Қиз ўн йил озоқликдан маҳрум этиладиганга ўхшайди. Суд унинг пулхўрлик касалига мубтало бўлганлигини кечирса-да, аммо ҳисоботларни қалбақлаштиргани учун қамашни аниқ экан.

**"ҚИЗИЛ"ГА ЮРИБ  
ҚУРИНГ-ЧИ?**

Бирлашган Араб Амирликларида йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун жазо чоралари жуда ҳам кучайтирилган. Агарда ҳайдовчи йўлчиқнинг "қизил"ида тўхтамай ўтса, тезликни оширса ёки ҳайдовчилик гувоҳномасиз машина ҳайдаса шаҳар марказида, масжид олдида халойиқ ўртасида унга 50 қамчи урилади, сўнг ўн кунга қамалади.

Хориж матбуотидан

**Тошкент Алоқа коллежида  
шу йилнинг 1 апрель кунидан  
бошлаб тайёрлов курслари ўз  
фаолиятини бошлайди**

Курсларга 9- ва 11-синф маълумотларига эга бўлган тингловчилар қабул қилинади. Машғулотлар математика, она тили ва адабиёт дарслари бўйича ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент шаҳри, Усмон Юсунов кўчаси, 70-уй.

Қўшимча маълумотларни 41-42-33 рақамли телефон орқали олишингиз мумкин.

КОЛЛЕЖ МАЪМУРИЯТИ

**ҚОДУЗЛАР САМОДАН  
СЎЗЛАЙДИ**  
(29 мартдан - 4-апрелгача)

**ҲАМАЛ.** Душанбада бироз дилхираликни кўнглингизга олманг. Сешанба кuni ишларингиз олдинга силжийди. Чоршанбада кўнгироқ қилишади. Пайшанба ва жума ижод кuni. Шанба яқин одамингиз билан кўришасиз. Якшанба кuni эса совға оласиз.

**САВР.** Ҳафтанинг бошида бой бўласиз. Сешанба ва чоршанба хурсандчилик сиз билан. Жумада кўпдан бери кутаётган қувончли воқеангиз содир бўлади. Фақат якшанбада ўз соғлигингиз учун қайғуринг.



**ЖАВЗО.** Ҳамкорлар билан учрашув душанбага мўлжалланган. Сешанба яна эски дардларингиз безовта қилади. Чоршанба ва жумада ишлар -- о'кей. Дам олиш кунлари унутилмас оилар ҳади этади.

**САРАТОН.** Душанба ва пайшанбада муҳим янгиликлардан воқиф бўласиз. Сешанбада соғлигингизга кўпроқ эътибор беринг. Акс ҳолда дам олиш кунлари кўрпа-тўшак қилиб олишингизга тўғри келади. Чоршанбада сирли учрашув.

**АСАД.** Ҳафта хурсандчилик билан бошланади. Сешанбада яқин одамингизни кутинг. Чоршанбада хафа бўлишга ҳеч бир баҳона йўқ. Тижорат ишларингиз учун жумани танланг. Шанба зиддиятга кун.

**СУНБУЛА.** Душанбада моддий аҳволингиз яхшиланади. Сешанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади. Чоршанбада сирли учрашув. Жума кuni соғлиқ, кайфиятингиз яхши эмас. Шанба кутганингиздек ўтади. Якшанбада учрашув.

**МЕЗОН.** Душанба омадли келади. Сешанбада асабийлашманг. Чоршанба ва шанбада яқин кишиларингиз билан учрашасиз. Пайшанба эса тақдирланадиган кунингиз. Жума яхши хабарлар келтиради. Якшанбада соғлигингизни ўйланг.

**АКРАБ.** Сешанба ва чоршанба атрофдаги гап-сўзларга эътиборсиз бўлинг. Пайшанба ва жума кунлари сиз кутган учрашувлар. Шанба муҳим ишларга қўл урманг. Якшанбада яхши дам олишга ҳаракат қилинг.

**ҚАВС.** Ҳафтанинг уч кuni тинимсиз қувонч ва хушчақчақлик олиб келади. Пайшанбада сизни сўроқлашади. Жума кuni соғлиқ, кайфиятингизни тушириши мумкин. Дам олиш кунлари эса энг яқин одамларингиз даврасида ўтади.

**ЖАДЪЙ.** Душанбада бойлик эгаси бўласиз. Сешанба омадли кун. Чоршанбада кўнгироқ кутинг. Пайшанба асабийлашманг. Жума кунги бошлаган ишларингиз бароридан келади. Шанба ва якшанба қувонасиз.

**ДАЛВ.** Душанбада сизни сўроқлашади. Сешанба харид учун қулай кун. Пайшанба зиддиятга ўтади. Бозор учун баракали кунлар деб, жума ва шанбани танланг. Якшанбада соғлиқни ўйланг.

**ХУТ.** Душанба, сешанба, пайшанба кунлари яқин одамларингиз билан дийдорлашасиз. Чоршанба ва жумада эса муҳим янгиликлардан воқиф бўласиз. Шанбадаги кайфиятсизлик якшанбада соғлигингизга таъсир этиши мумкин.

**Миллионлар ўйини**

Серкўеш юртимиз узра Наврўзи олам шодиёналари кезиб юрган айни кунларда ашаддий ишқибозлар орзиқиб кутган "яшил майдон" баҳслари ҳам бошланиб кетди. Қиш кунлари хувиллаб ётган ўйингоҳлардаги сукунат мухлисларнинг ҳаяжонли ҳайқириқлари ва олқишлари ила барҳам топди. Мана, кuni кеча VIII миллий чемпионатнинг икки тури ҳам ортда қолди. Натижалар тахлили кўнглига янги умидлар солади. Хулоса чиқаришга анча эрталиги аниқ, бироқ ҳар йили "ўртамеъна"лик даражасидан кўтарила олмаётган айрим жамоаларнинг шашти баланд эканини яққол кўриш мумкин.

Иккинчи тур учрашувларида ўйингоҳларда бай-

**"ЯШИЛ  
МАЙДОН"ДА  
БАҲОР...**

рамона руҳ кезиб юрибди. Сабоби, биринчи турда меҳмонда ўйнаган жамоалар энди ўз майдонларида, ўз мухлислари билан бирга янги мавсумни бошладилар. Биринчи турда фақат 1:1, 2:1 ҳисоблари қайд этилган бўлса, бу сафар ҳужумчиларнинг ҳам анча кўтаринки кайфиятда тўп сурганларини қайд этиш лозим. Айниқса, янги мавсумда "Пахтакор" сафига қўшилган Писерев "Трактор" дарвозасига кетмакет учта тўп йўллаб илк ютуққа эришгани алоҳида эътирофга молик. Ҳозирча тўпурақлар баҳсини ҳам Александр бошқариб турибди. Пирматов -- Абдуганиевларнинг биттадан муваффақият қозонганлари эса учрашувнинг 4:1 ҳисобида якунланишига сабаб бўлди.

"Навбахор" ўз майдонида янгиерликларни 3:0 ҳисобида енган бўлса, "Хоразм" -- "Темирйўлчи" учрашуви ҳам шундай ҳисобда якунланди. Жиззахнинг "Сўғдиёна"си эса "Сурхон"ни шундай натижа билан мағлубиятга учратди. Андижонликлар сафарда "Бухоро" ҳужумчиларининг учта тўпига битта жавоб қайтаришди. Бекободнинг "Металлург" жамоаси ўз майдонида "Дўстлик"ка шундай ҳисобда имкониятни бой берди.

Иккинчи турдаги ягона дуранг натижа Фарғонада қайд этилди. Ўтган сафар наманганликлардан устун келган "Самарқанд" жамоаси бу турда меҳмонда ўйнаганига қарамай "Нефтчи" билан тенгма-тенг ўйин намойиш этди.

**II-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ**

|                  | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|------------------|---|---|---|---|-----|---|
| 1. "Сўғдиёна"    | 2 | 2 | 0 | 0 | 5:1 | 6 |
| 2. "Хоразм"      | 2 | 2 | 0 | 0 | 5:1 | 6 |
| 3. "Пахтакор"    | 2 | 1 | 1 | 0 | 5:2 | 4 |
| 4. "Бухоро"      | 2 | 1 | 1 | 0 | 4:2 | 4 |
| 5. "Дўстлик"     | 2 | 1 | 1 | 0 | 4:2 | 4 |
| 6. "Нефтчи"      | 2 | 1 | 1 | 0 | 3:2 | 4 |
| 7. "Самарқанд"   | 2 | 1 | 1 | 0 | 3:2 | 4 |
| 8. "Навбахор"    | 2 | 1 | 0 | 1 | 4:2 | 3 |
| 9. "Насаф"       | 2 | 1 | 0 | 1 | 5:4 | 3 |
| 10. "Зарафшон"   | 2 | 0 | 1 | 1 | 3:5 | 1 |
| 11. "Металлург"  | 2 | 0 | 1 | 1 | 2:4 | 1 |
| 12. "Сурхон"     | 2 | 0 | 1 | 1 | 1:4 | 1 |
| 13. "Темирйўлчи" | 2 | 0 | 1 | 1 | 1:4 | 1 |
| 14. "Янгиер"     | 2 | 0 | 1 | 1 | 1:4 | 1 |
| 15. "Андижон"    | 2 | 0 | 0 | 2 | 2:5 | 0 |
| 16. "Трактор"    | 2 | 0 | 0 | 2 | 2:6 | 0 |

"Насаф" -- "Зарафшон" 4:2

Навбатдаги тур учрашувлари бугун бўлиб ўтади.  
Абдулазиз РАИМОВ

Муассис:  
**УЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ**

**Бош муҳаррир  
Абдуқодир НИЁЗОВ**  
Навбатчи муҳаррир  
Назokat УСМОНОВА

**ТАХРИРИЯТ:**  
Бош муҳаррир -- 133-89-61  
Қабулхона -- 136-56-58  
Хатлар бўлими -- 133-79-69

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй  
Тахририятга юборилган материаллар қайтариқмайди.  
Муаллифлар фикри тахририят пуқтан назардан фарқлангани мумкин.